Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1996 йил 24 август, шанба • № 67 (10.842) • Эркин нархда сотилади

1 СЕНТЯБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИ КУНИ

# ЎЗБЕКИСТОНИМИЗНИНГ НУРАФШОН ЙЎЛИ

## ТАҚВИМ САҲИФАЛАРИ

• **1993 ЙИЛ 3—4 ЯНВАРЬ** — Тошкентда Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди. Унда мамлакатлараро муносабатларга доир қатор муҳим масалалар муҳокама этилди.

• **1993 ЙИЛ 15 ЯНВАРЬ** — республикамиз Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Қуролли Кучларининг раҳбарлари билан мулоқот ўтказди. Унда «Мудофаа тўғрисида»ги, «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон қонунларини амалга ошириш, ҳарбий интизомни лозим даражага кўтариш, ҳарбий хизматчиларни ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш масалалари муҳокама этилди.

• **1993 ЙИЛ 22 ЯНВАРЬ** — Беларусь пойтахти — Минск шаҳрида МДҲ давлатлари ва ҳукуматлари бошлиқларининг учрашуви бўлди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди.

• **1994 ЙИЛ 5 МАЙ** — Тошкентда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони ва Олий Нишон — «Олтин Юлдуз» медали, шунингдек, «Мустақиллик», «Дўстлик» орденлари, «Жасорат» ва «Шуҳрат» медаллари таъсис этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1994 йил 5 май куни қабул қилган қарорига биноан суверен ва мустақил Ўзбекистонни барпо этиш, халқпарвар демократик-ҳуқуқий давлат яратиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувликни таъминлаш ишига қўшган улкан ҳиссаси ҳамда бу борада матонат ва жасорат кўрсатганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовга «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилиб, Олий Нишон — «Олтин Юлдуз» медали топширилди. Республикамизнинг бир гуруҳ фуқаролари ҳам Ватан олдида кўрсатган фидокорона хизматлари учун «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони ва «Олтин Юлдуз» Олий Нишони билан тақдирландилар.

• **1995 ЙИЛ 30 — 31 АВГУСТ** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг учинчи сессияси иш бошлади. Унда «Меҳнат шуҳрати», «Шон-шараф» орденлари таъсис этиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунлари қабул қилинди.

• **1995 ЙИЛ 11—12 ОКТЯБРЬ** — Тошкентда «Хусусийлаштириш ва бозор муносабатларини ривожлантиришнинг йўллари» мавзусида халқаро семинар бўлиб ўтди.

ÖZBEKISTON-VATANIM MANIM
OQSHIQLAR KORIK-TANLOVI

## «ТУРКИСТОН»ДА БОШЛАНДИ ҚЎШИҚ...

**БУГУН пойтахтимиздаги муҳташам «Туркистон» саройида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг беш йиллигига бағишлаб ўтказилаётган «Ўзбекистон — Ватаним маним» қўшиқлар кўрик-танловининг якуний босқичи тантанали очилади**

Бу кунни минг-минглаб юртдошларимиз, санъат ихлосмандлари зўр қизиқиш ва ҳаяжон билан кутмоқда эди. Чунки, аввал ҳам кўп бор таъкидланганидек, мазкур кўрик-танлов дастлабки босқичларданоқ ўзининг халқчиллиги ва ҳаётийлиги билан кўпчиликнинг дилидан жой олди, янги-янги истеъдодларни кашф этди. Туманлар, сўнгра Қорақалпоғистон республикаси, вилоятлар ва вазирликларда ўтказилган танловларда 10 мингдан зиёд қўшиқ тингланганининг ўзи фикримизнинг яққол далилидир. Мана, бугун эса аввалги босқичларда муваффақият қозониб, катта танловга йўлланма олган ғолиб қўшиқчилар яна бир бор ўз омадларини синаб кўрадилар. «Туркистон»дек гўзал ва ҳашаматли санъат даргоҳида нафақат таниқли қўшиқчилар, балки шулар билан ёнма-ён танлов туфайли юзага чиққан кўплаб ёш истеъдодлар ҳам илк бор катта саҳнада ўз ижодларини намойиш этадилар. Ана шундай ёшлар орасида вилоятимиз вакили, бўкалик мактаб ўқувчиси Бахтиёр Умиров ҳам бор.

Тўғри, ҳозирданоқ кўпчиликнинг кўнглида «Ким ғолиб чиқаркин?» деган ҳаяжонли савол турибди. Уч кун давом этадиган кўрик-танловда жами 65 та қўшиқ тингланади ва баҳоланади. Таниқли бастакорлар, шоирлар, шу соҳанинг етук мутахассисларидан иборат нуфузли ҳакамлар ҳайъати ҳар бир ижрони мукаммал ўрганишга ва баҳолашга киришди. Агар моҳиятан қарайдиган бўлсак, мустақил юртимизда кейинги йилларда яратилган ватанни мадҳ этувчи қўшиқларнинг жуда кўпчилиги чиройли ва жўшқин оҳанги, дилларга эзгулик бахш этувчи чуқур мазмуни билан миллий санъатимизда янгилик бўлди. Уларни тингловчиларимиз меҳр-муҳаббат билан қабул қилдилар ва куйлаб юрибдилар. Демак, бу галги танловда мағлуб қўшиқлар бўлмайди. Лекин ғолибларнинг ғолиби бўлиш бахтига муяссар бўлажак ижрочиларни эса ажойиб мукофотлар ва совғалар кутмоқда. Биз ушбу катта тадбирда барча танлов иштирокчиларига, шу жумладан вилоятимиз номидан қатнашаётган Бахтиёр УМИРОВга чин дилдан омад тилаймиз!



*Вилоятимиз вакили Бахтиёр Умиров танловга мана шундай тетик ижодий руҳ билан келди.*

Ўтган куни «Ўзбекистон — Ватаним маним» қўшиқлар кўрик-танловини ўтказиш ташкилий қўмитаси ва ҳайъат аъзолари республика оммавий ахборот воситалари ходимлари учун ўтказган матбуот конференциясида «Ўзбекнаво» бош директори Анор Назаров, Маданият ишлари вазирининг ўринбосари Муҳаммадали Абдуқундузов, республика бастакорлар уюшмаси раиси Рустам Абдуллаев сўзга чиқиб, танловнинг сўнгги якуний босқичини ҳар томонлама муваффақиятли ўтказиш учун барча шарт-шароитлар тахт эканлигини таъкидладилар. Ушбу танлов якуни билан қизиқаётган мухлислар учун эса эслатиб ўтамиз:

Мазкур кўрик-танлов ғолиблари ва совриндорлари иштирокида 28 август куни «Халқлар дўстлиги» саройида катта концерт ўтказилади.

*Зарифа ЭРАЛИЕВА, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.*

## ТОШКЕНТ МОҲИР ТЕННИСЧИЛАРНИ ЧОРЛАЙДИ

***Шу йил 2 сентябрда Тошкентдаги «Юнусобод» спорт комплексида Ўзбекистон Президенти кубоги учун профессионал теннисчиларнинг халқаро турнири бошланади. Унда жаҳоннинг энг кучли теннисчилари иштирок этиши кутилмоқда.***

22 август куни Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги учун теннис турнирини ўтказиш бўйича ташкилий қўмитанинг йиғилиши бўлди. Алоқадор ташкилот ва идоралар раҳбарлари иштирокида ўтган бу анжуманда мусобақаларга тайёргарликнинг бориши, бу борадаги муаммоларни бартараф этиш масалалари муҳокама этилди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, мазкур ташкилий қўмита раиси И. Жўрабеков бошқарди.

Республика теннис федерациясининг Президенти Ш. Каримов Ўзбекистон терма командасининг Президент кубоги турнирига тайёргарлиги тўғрисида ахборот берди.

Йиғилишда мамлакатимиз спортчилари теннис мусобақаларида муваффақиятли иштирок этаётгани, жумладан, жаҳон миқёсидаги кўпгина йирик турнирларда ҳам командамиз Ўзбекистон спорти шарафини ҳимоя қилаётгани таъкидланди.

Йиғилишда, шунингдек, «Ўзбексавдо» уюшмаси раиси З. Файзиевнинг «Юнусобод» спорт комплекси Президент кубоги халқаро турнирига тайёргарлиги, республика Жисмоний тарбия ва ва спорт қўмитаси раиси Б. Махситовнинг мусобақа қатнашчиларини кутиб олиш, жойлаштириш борасидаги ахборотлари тингланди.

Швейцариянинг «Интернейшнл турнамент промоушенс ЛТД» фирмаси раҳбари С. Какшури сўзга чиқиб, халқаро теннис оламида Ўзбекистоннинг мавқеи тобора ортиб бораётгани, бунга республикада ўтказилаётган халқаро теннис мусобақалари, жумладан, Ўзбекистон Президенти кубоги учун профессионал теннисчиларнинг бўлажак турнири ҳам мисол бўла олишини таъкидлади.

Йиғилишда республика Бош вазири ўринбосари М. Усмонов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов қатнашди.

*(ЎзА).*

## ВИЛОЯТ ҲАЁТИ: воқеалар, хабарлар, янгиликлар

### ОНА ЮРТ МАДҲИ

ҲАВАСКОР ижодий жамоаларнинг концерт дастурларини муҳлислар катта қизиқиш билан кутиб олмоқда. Улар томонидан тайёрланаётган она-юрт мадҳи, Ватанга муҳаббат тараннуми барчанинг эътиборини тортмоқда. Куни кеча Зангиота туман маданият уйининг «Ҳосил» ашула ва рақс халқ ансамбли ижодий жамоаси «Ватан ҳақида қўшиқ» деб номланган адабий мусиқий дастурни мустақиллигимизнинг беш йиллиги байрами арафасида намойиш этдилар. Тумандаги марказий маданият ва истироҳат боғида кенг томошабинлар оммасига тақдим этилган дастурда бепоён Ўзбекистон, барчамизнинг муқаддас саждагоҳимиз бўлмиш диёримиз тараннум этилди. Дастурни ансамблнинг бадиий раҳбари Саидазим Қудратиллаев саҳнага олиб чиқди.

*Салоҳиддин СИРОЖИДДИНОВ.*



Боғ-роғларда пишиқчилик. Соҳибкорларнинг қўли қўлига тегмайди. Бекобод туманидаги «Далварзин» жамоа хўжалиги боғбонлари ҳам бу йил 250 тонна хўл мева ва 200 тонна сабзавот топширишни ўз зиммаларига олишган. Хўжалик эл дастурхонига шу кунгача 150 тонна мева ва 100 тонна сабзавот етказиб берди.

Суратда: боғбон Маҳмуд Акромовни кўриб турибсиз.

*Даврон АҲМАД олган суратлар.*

### ЮЗТАГА ЯҚИНЛАШИБ ҚОЛДИ

ЧИРЧИҚДАГИ ЎЗБЕКИСТОН кимё машинасозлиги ҳиссадорлик жамияти жамоаси асосий маҳсулотлар қатори турли хил халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни ҳам тобора кўпайтириб бормоқда. Машинасозлар қўлидан чиқаётган ошхона анжомлари, совға қилинадиган тўпламлар ва шу каби рўзғор буюмларининг кўпчилиги дўконлар пештахталарида ётиб қолмаяпти. Улар харидоргирлиги билан ажралиб туради.

Айни вақтда меҳнаткашларга пулли хизмат кўрсатиш ҳажми ҳам ортиб боряпти. Бу йил ҳам қатор кенг истеъмол буюмларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди, янги хизмат турлари йўлга қўйилди. Шундай қилиб бундай ишлар турлари юзтага яқинлашиб қолди.

*Собир ҲАМИДОВ.*

### ЎЗ КАСБИНИНГ УСТАЛАРИ

***ЎЗБЕКИСТОН республикаси мустақиллигининг беш йиллигига бағишлаб, куни-кеча «Турон» илмий-универсал кутубхонасида вилоятимиз шаҳар ва туман кутубхоначи ходимларининг «Ўз касбининг устаси» шиори остида кўрик-танлови ўтказилди.***

Бунда шаҳар ва туманларда ғолиб чиққан кутубхоначилар бешта шарт юзасидан мусобақалашдилар. Булар: ўзини таништириш, мустақиллик бўйича учта саволга жавоб бериш, «Кутубхонада истиқлол кечаси» номли театрлаштирилган уй вазифасини адо этиш, соҳалари бўйича бирон тадбирни тарғибот қилиш ҳамда эркин мавзуда ўзларининг иккинчи истеъдодларини намойиш қилишдан иборат эди.

Нуфузли ҳайъат аъзолари ўзини ҳар томонлама юқори малакали кутубхоначи эканлигини кўрсатган ўртачирчиқлик Нодира Норматована ғолиб, деб топдилар. Танловнинг иккита иккинчи ўрни Бекобод туманидан Олия Қосимова ва Чирчиқ шаҳридан Валентина Малеховаларга насиб этди. Бўстонлиқ туманидан Умида Бойметова ҳамда Ангрен шаҳридан Ирина Яббаровалар учинчи ўринни эгаллашди.

*Баҳодир ВАЛИЕВ.*

### «РАҚАМЛИ СТАНЦИЯЛАР» ЙЎЛГА ЧИҚДИ

АНГРЕН, Олмалиқ, Бекобод, Янгийўл шаҳарлари, Паркент, Янгийўл, Оққўрғон туманларида рақамли станциялар учун бинолар қурилиши ниҳоясига етди. Айни пайтда вилоят электр алоқа ишлаб чиқариш бирлашмаси корхонаси вакиллари Жанубий Кореянинг Сеул, Шихун, Ансан, Инчун шаҳарларидаги заводларда бўлиб, рақамли станцияларни тестдан ўтказдилар ҳамда вилоятимизга жўнатдилар. Яқинда эса Россиянинг Пермь шаҳридан станцияларо мулоқот боғловчи қурилмалар ҳам етиб келди. Вилоят алоқачилари уларни ўрнатишни бошлаб юборадилар.

*Саидвали ҲАСАНОВ.*

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## 1996 ЙИЛДА ПАХТА ЙИҒИМ-ТЕРИМ МАВСУМИНИ ТАШКИЛИЙ РАВИШДА ЎТКАЗИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

1996 йил пахта ҳосилини йиғиштириб олишга ўз вақтида тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш, пахта маҳсулоти ҳажмларини кўпайтириш ва сифатини яхшилашда қишлоқ хўжалиги ходимларининг моддий манфаатдорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Пахта йиғим-терими мавсумига тайёргарлик кўришни ниҳоясига етказиш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалаларни тезкорлик билан ҳал этиш учун республика комиссияси тузилсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари, «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-кооператив қўмитаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Ўздавпахтасаноатсотиш» уюшмаси ва «Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг» компанияси моддий-техника базанинг пахта хомашёсини йиғиштириб олишга тайёрлаб қўйишни 1 сентябргача тугаллашни ва пахта йиғим-терими мавсумининг юқори ташкилий даражада ўтказилишини таъминласинлар.

3. Вазирлар «Маҳкамасининг «1996 йилги пахта толасига давлат буюртмаси ҳажмларини ўзгартириш тўғрисида» 1996 йил 27 мартдаги қарорига мувофиқ пахта тайёрлаш бўйича белгиланган топшириқни бажарган хўжаликлар ихтиёрида қолдириладиган пахта маҳсулоти улуши уни етиштириш ҳажмининг 60 фоизигача оширилганлиги, пахта толасига давлат буюртмаси эса 40 фоизгача пасайтирилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

4. 1996 йил ҳосили 1 тонна пахта ҳомашёсининг харид нархлари ўртача 12500 сўм (пахта толасига қайта ҳисоблаганда 1 тоннаси учун — 39060 сўм) ҳисобидан белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бир ҳафта муддатда пахта хомашёсининг янги харид нархлари прейскурантини ишлаб чиқсин, нашр этсин ва манфаатдор вазирликлар ҳамда идораларга етказсин.

5. Ҳосилни йиғиштириб олишда моддий рағбатлантиришни кучайтириш учун хўжаликларга пахта теришда қуйидаги миқдорларда ҳақ тўлаш тавсия этилсин:

икки қаторли пахта териш машинасида терилган кондицион оғирлиги 1 тонна бўлган пахта учун — камида 50 сўм, тўрт қаторли машинада терилганда — 30 сўм;

қўлда терилган 1 килограмм пахта учун — камида 2 сўм.

Йиғим-терим ишларида банд бўлганлар билан ҳар 5 ва 10 кунда ҳисоб-китоб қилинсин.

Хўжаликлар раҳбарларининг эътибори кўп миқдорда юқори сортли пахта териб олиниши учун, теримчиларни рағбатлантиришни назарда тутган ҳолда, йиғим-терим мавсумининг бошидан бошлаб пахта терими учун энг юқори ҳақ белгиланиши лозимлигига қаратилсин.

Пул кредит сиёсати бўйича республика комиссияси (Муллажонов) қишлоқ хўжалигида меҳнатга ҳақ тўлашнинг базавий даражасини мазкур бандга мувофиқ қайта кўриб чиқсин.

6. Марказий банк, «Пахтабанк», «Ўзсаноатқурилишбанк», «Ўзагробиркорбанк», «Мевасабзавотбанк» теримчилар билан, шунингдек, пахтани юклаш, транспортда ташиш ва жойлаштиришда, пахта териш техникасига техник хизмат кўрсатиш ва тузатиш билан банд бўлган ходимлар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш учун хўжаликларни кўрсатиб ўтилган муддатгача нақд пул билан таъминласинлар.

7. «Ўзкимёсаноат» уюшмаси (Юсупбеков), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Жуманиёзов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари хўжаликларга дефолиантлар етказиб беришни ва ғўза баргини тўкишни таъминласинлар.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси (Рўзметов) «Ўзагрокимётаъминот» давлат акционерлик бирлашмасининг буюртманомалари бўйича ғўза баргини тўкиш учун зарур миқдорда самолётлар ва вертолётлар ажратсин, ёнилғи заҳираларини ташкил этсин.

8. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат кооператив қўмитаси (Жабборов) пахта териш техникасини мавсумга тайёрлашни тугаллашда хўжаликларга техникавий ёрдам кўрсатиш ҳамда уларнинг узлуксиз ишлашини таъминлаш учун саноат корхоналарини вилоятларга бириктирсинлар.

10. «Ўздавнефтмаҳсулот» бирлашмаси (Тожиев) ёнилғи мойлаш материаллари 1996 йил сентябрь-ноябрь ойларида қишлоқ хўжалигига, пахта тозалаш саноатига йиғим-терим ва транспорт ишларини, тайёрлов пунктларида пахтага ишлов беришни, кузги шудгорлашни узлуксиз ўтказиш учун зарур бўлган ҳажмларда, ҳар кийматининг 15 фоизини олдиндан ундирмаган ҳолда, ҳисоб-китобларни пахта хомашёсининг пахта тозалаш заводларига сотишга қараб биринчи навбатда амалга ошириш шарти билан етказиб берилишини таъминласин.

11. «Ўзбекбирлашув», «Ўзбексавдо» ва «Ёғмойтамакисаноат» уюшмалари, «Ўздонмаҳсулот» корпорацияси қишлоқ аҳолисини ва пахта терими қатнашчиларини энг зарур озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш масалаларини ўз вақтида ҳал этсинлар.

12. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги пахта йиғим-теримида банд бўлган ходимларга тиббий хизмат кўрсатиш чора-тадбирларини белгиласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги ҳосилни йиғиштириб олиш даврида теримчиларга маданий хизмат кўрсатишни ташкил этсин, санъат усталари, ёзувчилар ва шоирларнинг хўжаликларга боришларини назарда тутсин.

14. Мазкур қарорнинг бажаралишини назорат қилиш Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**

**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри
1996 йил 22 август

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ: воқеалар, хабарлар, янгиликлар

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ*

## «ЎЗГЎШТСУТСАНОАТ» ДАВЛАТ УЮШМАСИ КОРХОНАЛАРИНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ, АКЦИОНЕРЛАШТИРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Чорвачилик маҳсулотлари етиштирувчиларни рағбатлантириш, гўшт-сут саноатида иқтисодий ислоҳотларни, хусусийлаштириш ва акционерлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ**:

1. «Ўзгўштсутсаноат» Ўзбекистон давлат — акционерлик уюшмаси таркибига кирувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг рўйхатига ва унинг ижро этувчи аппарати таркибига розилик берилсин.

Минтақалардаги хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш гўштни қайта ишловчи бош корхоналарга юклансин.

2. Гўшт-сут саноати корхоналарини хусусийлаштириш ва акционерлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш дастури маъқулансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси:

акцияларнинг давлат пакетини акционерлик жамиятларининг асосий фондларини қайта ҳисоблашни ҳисобга олиб уларнинг номинал қиймати бўйича «Ўзгўштсутсаноат» уюшмасининг устав фондини шакллантириш учун тўла хўжалик юритишга берсин. Белгилаб қўйилсинки, акцияларнинг уюшма устав фондига ўтказилган улуши уюшма томонидан беш йил мобайнида мутаносиб улушларда сотиб олинади;

«Ўзгўштсутсаноат» давлат уюшмасига унинг ўз акцияларини эмиссия проспектлари томонидан белгиланган муддатларда юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари ўртасида тарқатиш ва сотиш бўйича ёрдам кўрсатсин. Назарда тутилган акцияларнинг сотилишидан тушадиган маблағларнинг бир қисми айланма маблағларни тўлдиришга ва уюшма корхоналарини техник қайта жиҳозлашга йўналтирилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси «Ўзгўштсутсаноат» уюшмаси билан биргаликда:

«Ўзгўштсутсаноат» уюшмаси акционерлик жамиятлари акцияларини сотиш прогнозини бажаришни таъминласин. Шу мақсадда эмиссиянинг илгари белгиланган тартибини қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ деб ҳисобласин ва хусусийлаштиришдан тушадиган маблағлар ҳисобига янги акциялар чиқариш таъминласин;

корхоналар ва ташкилотларни шахсий мулкка айлантириш (сотиш)ни таъминласин.

5. «Ўзгўштсутсаноат» уюшмасининг хорижий инвестициялар иштирокидаги қўшма корхоналарини ташкил этиш, юқори самарали асбоб-ускуналарни қўллаган ҳолда тармоқнинг қайта ишловчи корхоналарини реконструкция қилиш ва техник қайта жиҳозлаш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

«Ўзсаноатқурилишбанк», «Пахта-банк»ка реконструкция қилиш ва техника билан қайта жиҳозлаш учун «Ўзгўштсутсаноат» уюшмаси корхоналарига миллий валютада узоқ муддатли кредит ажратишни назарда тутиш;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкига лойиҳаларнинг самарадорлигини ва харажатни қоплай олишини тасдиқловчи экспертизалар асосида уюшма корхоналарига ишлаб чиқаришни модернизациялаш мақсадида технологик асбоб-ускуналар сотиб олиш учун хорижий валютада кредит ажратиш;

хорижий инвестициялар бўйича агентликка ва «Ўзинвестлойиҳа» компаниясига хорижий фирмалар ўртасида «Ўзгўштсутсаноат» уюшмаси объектларини реконструкциялаш ва техника билан қайта жиҳозлаш лойиҳаларини кенг реклама қилиш фаолиятини авж олдириш тавсия этилсин.

6. 1996 йилнинг II ярим йиллигида ва 1997 йилда «Ўзгўштсутсаноат» уюшмаси тизимида чорвачилик маҳсулотлари етиштиришнинг асосий параметрлари маъқулансин.

7. «Ўзгўштсутсаноат» уюшмасининг чорвачилик хўжаликларини ва қайта ишловчи корхоналарини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида:

«Ўзгўштсутсаноат» уюшмасининг чорвачилик хўжаликлари, чорва озуқаси етиштиришни кўпайтириш вазифаларини бажариш учун дон ва бошқа деҳқончилик маҳсулотларини хўжаликлар ихтиёрида қолдириб, уларни давлатга сотишдан озод қилинсин;

уюшманинг чорвачилик хўжаликлари ёнилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғитлар, уруғликлар ва суғориш сувлари билан таъминлаш шароитлари бўйича пахтачилик ва ғаллачилик хўжаликларига тенглаштирилсин;

белгилансинки, уюшмага шрот ва шелуха сотиш прейскурант нархлар бўйича амалга оширилади. Уюшмага чорвачилик хўжаликларига, аҳолига ва бошқа истеъмолчиларга шрот ва шелухани улар томонидан уюшманинг қайта ишловчи корхоналарига тирик мол ва сут сотиш ҳажмларига мутаносиб равишда эркин нархлар бўйича сотиш ҳуқуқи берилсин. Белгилансинки, шрот ва шелухани харид қилишнинг прейскурант нархи билан сотишнинг эркин нархи ўртасида пайдо бўладиган маблағлар фарқи «Ўзгўштсутсаноат» уюшмасининг айланма маблағларини тўлдиришга йўналтирилади.

Тижорат банкларига:

«Ўзгўштсутсаноат» уюшмасининг зарар кўриб ишловчи ва паст рентабелли корхоналари ва хўжаликларидан кредитлардан фойдаланганлик учун қўшилган 57,4 млн сўм миқдоридаги фоизларни ҳисобдан чиқариш ва банк ссудалари бўйича 111,7 млн сўм миқдоридаги муддати ўтказиб юборилган ва илгари тўлов муддати кечиктирилган қарзларни тўлашни, уларга фоизлар қўшмасдан, 2000 йилгача кечиктириш;

контрактация шартномаларига мувофиқ «Ўзгўштсутсонат» уюшмаси корхоналарига чорва моллари ва сут топшираётган чорвачилик, паррандачилик, деҳқон (фермер) хўжаликлари ва бошқа хўжаликларга имтиёзли кредитлар бериш тавсия этилсин.

8. Молия вазирлиги «Ўзгўштсутсаноат» уюшмаси билан биргаликда бир ой муддатда сут заводлари томонидан болалар овқати ишлаб чиқаришга доир харажатларнинг бир қисми учун пул ёрдами бериш имконияти тўғрисидаги таклифни кўриб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари чорвачилик хўжаликларига ажратилган ерлардан белгиланмаган мақсадда фойдаланишга, ерларнинг пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари учун ажратилишига йўл қўймасинлар;

10. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон гўшт ва сут саноати («Ўзгўштсутсаноат») давлат-акционерлик уюшмасини бошқаришни такомиллаштириш ва унинг фаолиятини барқарорлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1996 йил 18 январдаги 30-сон қарорининг 1,3,4, 7 ва 10-бандлари ўз кучини йўқотган деб ҳисобласин.


11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазирнинг ўринбосарлари М. Усмонов ва В. Чжен зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1996 йил 19 август.

# «МАҲСУЛОТИМИЗ ЭЛ КОРИГА ЯРАЙДИ»

**Мустақиллик байрами арафасида ўз таваллудини нишонлаётган «Бекободцемент» ҳиссадорлик жамияти жамоаси 70 йилдан бери халқ хўжалиги ва аҳоли эҳтиёжлари учун цемент, шифер ва бошқа бинокорлик материаллари етказиб бермоқда**



«БЕКОБОД цемент корхонасида ишлаб чиқарилган»... Шундай тамға босилган қимматли қурилиш материаллари — цемент, шифер, асбоцемент қувурлари каби маҳсулотлар юборилаётган буюртмачилар мамлакатимизнинг қайси бурчагида йўқ дейсиз?! Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, барча вилоятлар бунёдкорлари уларни олиб турибдилар. Шаҳар ёки қишлоқларда қад кўтараётган катта-кичик иншоотларни, ирригация ва бошқа мураккаб объектлар қурилишини бекободликлар қўлидан чиқаётган цементсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бунинг боиси бор, албатта. Комбинат ишлаб чиқараётган цемент ўзининг техник-иқтисодий кўрсаткичлари билан республикамиздаги турдош корхоналарнинг шундай маҳсулотларидан устунлик қилади.

Шунинг учун ҳам унинг харидорлари ниҳоятда кўп. Фақат республикамиздагина эмас, бошқа, айниқса, мустақил давлатлар ҳамкорлиги мамлакатларида ҳам бор. Ҳатто уни узоқ чет эл давлатлари ҳам харид қилмоқдалар. Ҳар куни корхона дарвозасидан цемент, шифер, асбоцемент қувурлари ортилган вагонлар, автомашиналар ўнлаб қурилишлар томон йўл олмоқда. Ҳақиқатан ҳам «Бекободцемент» ҳиссадорлик жамияти мустақил республикамиз цемент саноати тармоғининг етакчи, байроқдор корхонасидир.

Албатта, жамоа бунга эришиш учун узоқ ва шарафли йўлни босиб ўтди. Бу йўл осон бўлмади, қатор қийинчиликларни енгиб ўтишга тўғри келди. Янги-янги ишлаб чиқариш технологияларини ўзлаштириш, замонавий асбоб-ускуналарни ишга тушириш ва бу билан маҳсулот тайёрлаш ҳажмини кўпайтириш, сифатини яхшилашда юксак марраларни эгаллаш мақсадида фидокорлик кўрсатилди.

Бугун жамият ишчи-хизматчилари бир умр унутилмас айёмни — ўз корхоналарининг 70 йиллигини нишонламоқдалар.



Аслини олганда корхонани барпо этишга бу санадан анча илгари киришилган эди. Мирзачўл ерларини ўзлаштириш, қишлоқ хўжалиги, айниқса, пахтачиликни ривожлантириш суғориш шаҳобчаларини қуриш шундан корхонани барпо этишни тақозо этганди. Шу сабабли цемент заводини қуришга 1914 йилда қўл урилди. Бироқ ўша вақтда у амалда маҳсулот бермади. Чунки, чор Русияси уни барпо этишга қизиқмади ҳам. Фақатгина орадан тўрт йил ўтгач, цемент заводини барпо этиш росмана бошланди. Шундай қилиб, Бекободда биринчи саноат корхонаси юзага келди. У ўзининг биринчи маҳсулотини 1926 йилнинг 26 июнида чиқарди. Бу сана корхона тарихида унутилмас бўлиб қолди.

Ўша вақтда республикамиз огир саноатида биринчилардан бўлиб ишга туширилган бу корхонанинг аҳамияти беқиёс эди. Ўлкамизни саноатлашган мамлакатга айлантиришдаги бу қадам ниҳоятда залворли бўлди.

Серқуёш диёримизда қурилишлар кўлами кенгайиб борган сари комбинатда ҳам маҳсулот ишлаб чиқариш тўхтовсиз ортаверди. Бинокорлик материалларининг янги турларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Цементдан ташқари шифер, асбоцемент қувурлари, оҳак ишлаб чиқариш бўйича янги қувватлар ишга туширилди. Технология жараёнлари муттасил такомиллаштириб борилди, узунлиги 150 метрли айланма печлар, тегирмонлар ва бошқа йирик агрегатлар ўрнатилди. Натижада тайёрланаётган маҳсулот ҳажми ўнларча марта кўпайди.

Ҳозирги вақтда комбинат ҳар куни минглаб тонна цемент, неча километрлаб асбоцемент қувурлари, ўн минглаб дона шифер, кўплаб оҳак чиқариш имконига эга. Бироқ, қизил империянинг барбод бўлиши оқибатида юзага келган қийинчиликлар комбинат жамоасини ҳам четлаб ўтмади. Лекин, корхона жамоаси қўл қовуштириб ўтирмади. Айниқса, корхонага тажрибали мутахассис Даврон Қориев раҳбар этиб тайинлангач, ишлаб чиқариш барқарорлашди. Янги раҳбар жамоа билан ҳамжиҳатликда қатор ташкилий-техникавий тадбирларни амалга оширди. Ишчи-хизматчилар аттестациядан ўтказилиб, ҳар бир киши ўзи уддасидан чиқадиган вазифага тайинланди. Мавжуд асбоб-ускуналарнинг кўпчилиги янгидан таъмирланди, қатор жараёнлар такомиллаштирилди. Шу туфайли кейинги тўрт ой мобайнида асосий маҳсулот турларини ишлаб чиқариш ўртача ўттиз фоиз кўтарилди. Жорий йилнинг ўтган етти ойида амалдаги нархларда 318 миллион 581 минг сўмлик турли қурилиш материаллари тайёрланди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 156,5 фоизни ташкил этади.

Жамият барқарорликдан тараққиёт палласига одим ташлаганлигини мамнуният билан қайд қилиш лозим. Буюртмаларга қараб ишлаб чиқариш ҳажми ортиб бораяпти. Чунки, бозор иқтисодиёти шароитида омборни мўлжаллаб ишлаш асло мумкин эмас.

Мижозлар кўпайиши учун эса маҳсулот сифати яхши бўлиши лозим. Шуни ҳисобга олиб, жамоа мавжуд кўрсаткичларни оширишга алоҳида эътибор бермоқда. Асосий маҳсулот — цементнинг сифатлилик даражаси шунга бориб етдики, ҳатто, у халқаро бозорда ҳам бемалол рақобатлашмоқда. Айниқса, корхонада тайёрланаётган 400, 500 маркадаги портланд цементлар ва йўл қурилиши учун чиқарилаётган махсус тури жаҳон бозорига бемалол кириб бормоқда. Жамоанинг ўз мамлакатини иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш ва жаҳон иқтисодиётига интеграциялашиш йўлидаги хизматлари яқинда халқаро мукофотга сазовор бўлди. Комбинат нуфузли халқаро иқтисодий ҳамкорлик уюшмасининг «Олтин глобус» соврини билан тақдирланди.

— Корхонамизда 1700 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда, — дейди жамият раиси Даврон Қориев. — Шуни алоҳида қайд қилишим керакки, кейинги йилларда ишлаб чиқаришда айрим қийинчиликлар юзага келганига қарамай, кўпчилик цементчилар қадрдон бўлиб кетган корхоналарини тарк этмадилар. Эндиликда барқарорликдан юксалиш сари бораяпмиз. Ўйлайманки, қийинчиликларимиз ҳам ҳадемай орқада қолади. Мулкка эгалик қилишнинг биз танлаган ҳиссадорлик жамияти шакли шунга хизмат қилади. Маҳсулотимизнинг эл корига яраётганлиги бизга гурур бахш этади.

Хўжаликни юритишнинг бу усулига ўтиш қисқа вақтдаёқ ўз самарасини кўрсатди. Унинг эгаси жамоанинг ўзи бўлиб қолган шароитда у қанчалик унумли ва сифатли ишласа, шунчалик кўп фойда кўради. Буни барча ишчи-хизматчилар чуқур ҳис қилмоқдалар. Шунинг учун ҳам ишлаб чиқариш суръатида асосий кўрсаткичлар бўйича ўтган йилдагидан анча олдинлаб кетилди.

Комбинат ҳиссадорлик жамиятига айлангач, корхона мулкининг асосий қисмига жамоа соҳиблик қиладиган бўлиб қолди. Салкам 47,5 миллион сўмлик акциялар чиқарилиб, ҳар бирининг аслий қиймати 875 сўм қилиб белгиланди. Оддий ва имтиёзли чиқарилган бундай қимматли қоғозлар жамоа аъзолари ўртасида тарқатилди. Дастлабки дивиденд шу йил қурувчилар куни олдидан ишчи-хизматчиларга олган акциялари сонига қараб тарқатилди. Акция харид қилганлар қўшимча даромад манбаига эга бўлдилар.

«Бекободцемент» ҳиссадорлик жамияти жамоаси шу кунларда истиқлолга эришган жонажон юртимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг янада гуллаб-яшнаши учун кўтаринки руҳ билан меҳнат қилмоқда. Қадрдон корхоналарининг 70 йиллигини тантанали нишонлаётган жамият ишчи-хизматчиларининг муваффақиятлари янада кўпаяверади, деб ўйлаймиз.

***Мирсобир МИРҲАМИДОВ.***
***Даврон АҲМЕДОВ.***

# ҚИШЛОҚЛАРИМИЗ ИСТИҚБОЛИ

*Қарор ва ижро*

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2000 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарори Республикамизда бўлгани сингари Оҳангарон туманида ҳам муҳим ўзгаришлар юз беришига жуда катта йўл очди. Аҳолини газ, тоза ичимлик сув билан таъминлаш, барча шарт-шароитларга эга бўлган тиббий муассасалар ҳамда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчалари, халқ таълими соҳалари учун қулай бинолар барпо этиш туманда энг долзарб вазифалардан бири бўлиб қолди. Бугунги кунда Қорахитой, Телов, Сусам, Қорақир, Увак, «Озодлик» қишлоқларида иш бошлаган тикувчилик цехлари, пойафзал таъмирлаш устахоналари, сартарошхоналар, умумий овқатланиш жойлари, кутубхоналар ва бошқа маданий ўчоқлар киши дилини қувонтиради. Айниқса, Қорахитой қишлоғида иш бошлаган бичиш-тикиш хусусий цехи, пойафзал таъмирлаш устахонаси, Теловдаги тикувчилик цехи, Сусам ва Увакдаги гиламдўзлик кичик корхоналари, Ачамайлидаги пўстин ишлаб чиқарувчи кичик корхона аҳоли эҳтиёжини маълум даражада қондирмоқда. Булардан ташқари, 40 та сартарошхона, ўнга яқин пойафзалчилик устахонаси, тўртта гўзаллик уйи, 50 дан кўпроқ тиббиёт ҳамда маданий муассасалар тумандаги 70 мингдан ортиқ аҳоли ихтиёрида.

Бироқ, ҳали олдинда ҳал қилинмаган вазифалар кўп. Масалан, қишлоқларга газ кела бошлади. Аммо, бу борадаги ишлар чала, пала-партиш. Қишлоққа газ келиши билан фақат бир неча хонадонларга киритилади-да, кейин қувур бошқа қишлоқлар теграсига тортиб кетилаверади. Ҳолбуки, бир қишлоқни тўла газлаштиргандан сўнгтина кейингисига олиб ўтилса мақсадга мувофиқ бўларди.


Дастурга кўра, яқин келажакда, аниқроғи 1996 ва 1997 йилларда Оҳангарон тумани қишлоқларида катта ўзгаришлар юз беради. Масалан, Қорахитойда, Тут, «Дўстлик» қишлоқларида янги тиббий муассасалар иш бошлайди, қишлоқ шифохоналари кенгайтирилади, «Озодлик» қишлоғидаги 150 ўринли шифохона бир йўла 200 кишини қабул қала оладиган бўлади.

Мазкур дастурда халқ таълими соҳасидаги мактабларнинг ўқув базаларини яратишга ҳам алоҳида эътибор берилган. Жумладан, 1997 йилда ҳар бири 420 ўқувчи ўрнига эга бўлган 38-ўрта мактаб ва 5-9 йиллик мактаб бинолари қурилиши боцлаб юборилади. Булардан ташқари, аҳоли томонидан 87 минг квадрат метр жойда уйлар барпо этилади. Булар учун 1996 йилда 11 миллион, 1997 йилда эса, 6,5 миллион сўм маблағ сарфланади.

Келгуси йилдан бошлаб 900 квадрат метр жойда янги савдо шаҳобчалари қурилади. 400 ўринга мўлжалланган умумий овқатланиш биноси фойдаланишга топширилади. Қўшимча маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари иш бошлайди. Булар учун ҳам тегишли маблағлар ажратилган бўлиб, айрим ташкилотларда тумандаги 5-кўчма механизациялашган жамламанинг ишчилари бинокорлик ишларини аллақачон бошлаб юбордилар. Фақат шу йилнинг ўзида қишлоқ меҳнаткашлари учун 31,2 чақирим сув қувурлари ётқизилиб, аҳолининг тоза ичимлик сувга бўлган талаби бироз бўлсада қондирилади. Бунинг учун шу йилнинг ўзида 5,5 миллион, келгуси йили эса 4 миллион сўм маблағ сарфланади. Газлаштириш ишлари ҳам бу йил ва келгуси йилда анча авж олдирилади. Яъни газ қувурлари 45,5 чақиримга кўпаяди. Ана шу мақсадлар учун 1996 йилда 11,7 миллион сўм, 1997 йилда эса 12,8 миллион сўм маблағ сарфланади. Булардан ташқари, ҳар бир қишлоқда маданий-маиший хизмат соҳасининг вакиллари бўлиши назарда тутилмоқда. Мана шу — биз юқорида келтирилган айрим рақамларнинг ўзиёқ - 1996-97 йилларда қишлоқнинг ижтимоий инфраструктурасининг тараққий эттириш соҳасида анчагина ишлар амалга оширилишидан далолат бермоқда.

***Мўмин ҚАЮМ.***





**Суратларда: маъданни майдалаш цехи бошлиғи Маҳмуд Йўлдошев ва компрессор машинисти ёрдамчиси Светлана Жигуновалар технология жараёнининг боришини кўздан кечирмоқдалар (юқорида); клинкер куйдириш цехи бошлиғи Назиржон Ҳакимов, айланувчи печ машинистлари Абдували Абдураҳимов ва Ҳамрокул Бердикуловлар иш юзасидан суҳбатлашмоқдалар (пастда).**

***Даврон АҲМАД олган суратлар.***

# БИРЛАШМОҚ – БУ КУЧ, БУ ҚУДРАТ

*Бизнинг суҳбат*

***Давлат, халқ, фуқаро... Бу тушунчалар ўртасида узвий боғлиқлик мавжуд. Зеро, давлат — халқсиз, халқ — давлатсиз бўлмайди. Ҳар бир фуқаро эса унисига ҳам, бунисига ҳам даҳлдордир. Зотан, мамлакатдаги ижтимоий ҳаёт ва муҳит, ички тинчлик ва осойишталик, миллатлар ўртасидаги тотувлик, қолаверса, иқтисодий тараққиёт ва истиқбол ҳар бир шахснинг маънавий камолоти, мафкуравий етуклиги, дунёқараши савиясининг баландлиги, иймон-эътиқодининг бутунлиги билан белгиланади.***

***Республикамиз мустақилликка эришгандан буён ўтган қисқа давр — беш йил мобайнида ҳуқуқий-демократик давлат барпо этиш асносида ҳам қатор ижобий ислоҳотлар амалга оширилди. Жумладан, турли хил партиялар, ҳаракатлар, уюшмалар, марказлар, жамғармалар бемалол фаолият кўрсата бошлади. Бир йил муқаддам тузилган Ўзбекистон Республикаси «Халқ бирлиги» ҳаракати ҳам ана шундай оқимлардан бири бўлди. Мустақиллигимизнинг беш йиллик байрами арафасида биз мазкур ҳаракатнинг Тошкент вилоят кенгаши раиси Ш. МИРАЛИМОВ билан мулоқотда бўлиб, бир неча саволга жавоб беришни илтимос қилдик.***

**— Шавкат Аббосович, «Халқ бирлиги» ҳаракати фаолияти ва мақсадлари билан «Тошкент ҳақиқати» муштарийларини таништирсангиз?**

— Бажонидил. Ўзбекистон Республикаси «Халқ бирлиги» ҳаракати мустақиллигимизнинг сиёсий ва ижтимоий ҳосилаларидан биридир. Унинг фаолият кўрсата бошлаганига бир йилдан зиёдроқ вақт бўлган бўлса ҳам у ўзининг олижаноб мақсадлари ва хайрли ишлари билан оғизга тушиб қолди.

Маълумки, фуқаролар тинчлиги ва миллатлараро тотувликни таъминламай туриб, ҳуқуқий демократик давлат тузиш мумкин эмас. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, баайни ана шу йўлни танлади. Бу борадаги мамлакатимизнинг ўзига хос, ўзига мос йўлининг бош меъмори Президентимиз Ислом Каримов бўлди. Юртбошимизнинг ташаббуси, саъй-ҳаракатлари, жонбозлик кўрсатиши туфайлигина Ўзбекистонимизда тинчлик, осойишталик, миллатлараро биродарлик барқарор бўлиб қолди.

Бу тарихий ҳақиқатни айни кезларда бутун жаҳон ҳамжамияти тан олди.

Мустақилликнинг дастлабки ойлариданоқ кўп партиявийликка ва турли ҳаракатлар тузишга кенг йўл очилди. Ҳеч қандай қаршилик ёхуд монелик бўлгани йўқ. Шу боис Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Адолат, Ватан тараққиёти, Миллий тикланиш сингари партиялар, бошқа носиёсий ҳаракатлар, уюшмалар, жамғармалар вужудга келди. Бизнинг Ўзбекистон Республикаси «Халқ бирлиги» ҳаракатимиз ҳам ана шуларнинг бири бўлди. Ҳозир бу ҳаракатнинг вилоятларда, шаҳарларда, туманларда қуйи бўғинлари тузилиб, фаолият кўрсатмоқда.

Ҳаракатимизнинг мақсадларини унинг номи очиқ-ойдин айтиб турипти. Мамлакатимизда истиқомат қилаётган турли миллат вакилларини бирлаштириш, улар дўстлигини янги погоналарга кўтариш, республикамизда амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ислоҳотларни муваффақиятли ниҳоясига етказиш ишларига уларни сафарбар этиш бизнинг асосий мақсадларимиздир.

**— «Халқ бирлиги» ҳаракатининг Тошкент вилоят кенгаши кейинги пайтларда қандай ишларни амалга оширди?**

— Тошкент вилояти кўп миллатли минтақалар сирасига киради. Аҳоли таркибида ўзбеклар, руслар, қозоқлар, тожиклар, туркманлар, татарлар, кореялар, қирғизлар, украинлар ва бошқа 80 га яқин миллат ва элатларнинг вакиллари бор. Вилоятда истиқомат қилаётган 2 миллион 300 минга яқин кишиларнинг жипслигини таъминлаш, улар куч-ғайратини бунёдкорлик ишларига йўналтириш буюк вазифалар деб ўйлаймиз.

Кейинги ойлар бизнинг фаолиятимизда ташкилий давр бўлди. Чунки, вилоят шаҳарлари ва туманларида ҳаракатимизнинг қуйи бўғинларини вужудга келтириш ва раҳбарликка муносиб ходимларни танлаш анчагина вақт олди. Олмалиқ, Чирчиқ, Ангрен шаҳарлари, Оққўрғон, Тошкент, Паркент, Пискент, Қуйичирчиқ, Бўстонлиқ, Янгийўл каби туманларда таъсис анжуманлари юқори савияда ўтди. Маҳаллий газеталар, босмахоналар, ташкилотлар, жойлардаги турли ҳиссадорлик жамиятлари, корпорацияларнинг ҳаракатимизга жамоатчи аъзо бўлганликлари ҳам ишимизда ўзига хос томон бўлди.

**— Партиялар, ҳаракатлар ўз ниятларини оммага етказиши, амалга оширилаётган ишларни тарғиб қилиши, одамларни келажакдаги тадбирларга сафарбар этиши осон бўлмайди. Шунинг учун улар ўзларининг матбуот нашрларига эга бўлишни орзу қиладилар...**

— Жуда тўғри. Чунки, босма нашр халқ билан ташкилот ўртасида кўприк вазифасини ўтайди. Шу маънода Тошкент вилоят кенгашимиз ҳам ўзининг газетасини чиқариш учун имкониятлар излади. Охири ниятимиз рўёбга чиқди. Куни кеча уч забон — ўзбек, рус, қозоқ тилларида чиқарилажак «Дўст» газетамизнинг дастлабки «қалдиргоч» сони босмадан чиқди. Айни шу куни «Халқ бирлиги» ҳаракати вилоят кенгашининг конференцияси ҳам бўлиб ўтади. Ҳар икки йилгинда яқин келажакда амалга ошириладиган ишларимиз кўламини яна бир бор таҳлилдан ўтказамиз.

***ТАҲРИРИЯТДАН: «Халқ бирлиги» ҳаракати Тошкент вилояти кенгашининг нашри «Дўст» газетасининг тақдимномаси шу йилнинг 26 август куни соат 7.00 да шаҳримиздаги «Зангори гумбазлар» қахвахонасида бўлиб ўтади. Биз эса хамкасбларимизни янги нашр билан чин дилдан муборакбод этамиз.***

*ТАҲРИРИЯТДАН:*

*Газета жамоаси бинокорлик материаллари саноатининг етакчи ва тўнғич корхонаси ҳисобланган «Бекободцемент» ҳиссадорлик жамияти ишчи-хизматчиларини бугунги юбилей билан қизғин табриклаб, уларнинг бундан буёнги ишларига катта-катта муваффақиятлар тилайди.*

# ОЛАМ ҲАФТА ИЧИДА

**● Россия Федерациясининг янги ҳукумати таркиби эълон қилинди ● Билл Клинтон ва Роберт Доул — машҳурликнинг икки қутбида ● Жанубий Кореяда талабалар билан полициячилар тўқнашди ● Эски фитначиларнинг янги кирдикорлари**

## ТУЗИШ ОСОН, ИШЛАШ ҚИЙИН

РОССИЯ Федерациясида президентлик сайловлари бўлиб ўтгач, бир ярим ойдан сўнг, ниҳоят, Россия ҳукуматининг янги таркиби эълон қилинди. Бу тадбиргача бўлажак вазирлар маҳкамаси хусусида турли доираларда анчагина гап-сўзлар айтилди. Кимлардир ҳукуматни мутлақо бошқатдан тузиш керак деса, кимлардир эски одамларнинг ўзлари қолгани яхши, чунки, улар вазиятни кўнгилдагидек билишади, дейишди. Давлат думасидаги етакчи фракциялар ҳам бу борада ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Турли партиялар ва оқимларнинг вакиллари тузилажак ҳукумат таркибига кириб қолишга умид боғладилар.

Лекин, бирон-бир тахмин тўғри чиқмади. Бош вазир В. Черномирдин янги ҳукумат рўйхатини эълон қилганда кўпчиликнинг «тарвузи» қўлтиғидан тушиб кетди. Чунки, рўйхатга кирган ҳукумат аъзоларининг аксарият қисми «эски гуруҳ» одамлари эди. Асосий маҳкамалар — ташқи ишлар, мудофаа, ички ишлар, иқтисодиёт вазирлари — Е. Примаков, И. Родионов, А. Куликов, Е. Ясинлар ўз ўринларида қолишди. Бундай қилинганда мамлакатнинг ташқи ва ички сиёсати ҳолати кўп жиҳатдан мазкур вазирликларга боғлиқ деган мушоҳададан келиб чиқилган бўлса, ажаб эмас.

Бош вазирнинг биринчи ўринбосарлари номлари тилга олинганда таажжубланиш юз берди. Доим «сояда юрган» Алексей Большаков дафъатан энг биринчи муовин, устига устак, бош вазир йўқлигида унинг ўрнини босадиган лавозимга тайинланганлиги кутилмаган воқеа бўлди. Аввалги ҳукуматда у бош вазир ўринбосари сифатида бор-йўғи МДҲ давлатлари ўртасидаги муносабатларни мувофиқлаштириш ишлари билан шуғулланарди-да. Бошқа икки нафар биринчи ўринбосар ҳам ғалати «парвоз» қилишди. Чунки, В. Илюшин — Россия президентининг биринчи ёрдамчиси курсисидан анча юқори ўриндиққа сакраб ўтди. Кечагина банкачи бўлиб юрган, баланд доираларда нотаниш бўлган В. Потаниннинг ҳам кутилмаганда омади чопиб қолди. 35 яшар Владимир Олегович эндиликда иқтисодиёт вазирлиги, монополияга қарши давлат қўмитаси, давлат мулк қўмитаси, давлат статистика қўмитаси ва яна бошқа қатор идоралар мужассамлашган иқтисодий мажмуани бошқаради.

Шундай қилиб, халқ 34 аъзодан иборат бўладиган янги ҳукуматнинг 33 нафар вакили номини билиб олди. Бир вазирликка ҳали бошлиқ тайинланмади. Вазирлар Маҳкамасининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди.

Маълумки, ҳар бир давлат ҳаётида «ҳукумат» деб аталган маҳкама жуда катта нуфузга эгадир. Зеро, ҳукуматсиз бирон-бир мамлакат яшай олмайди. Шу маънода Россия Федерацияси янги ҳукуматининг дастлабки қадамлари қандай бўлади? Халқ ана шу саволга жавоб топишга интиқ. Зеро, Россиядек катта давлат фаолиятида ечимини кутаётган муаммолар бошдан ошиб ётипти. Амалий иқтисодиёт тараққиётини жонлантириш, йиллаб, ойлаб маош ололмаётган кишиларнинг талабларини қондириш, бюджетни лозим даражага келтириш, солиқ тизимларини такомиллаштириш, жиноятчиликка қарши кураш, «оловли нуқта»ларда уруш ҳаракатларини тўхтатиш сингари масалалар туну-кун ишлашни тақозо этади. Ҳозирча янги ҳукумат ўз нигоҳини ана шундай ўта долзарб йўналишларга қаратмоқда. Аммо, самара қандай бўлади? Буни олдинда турган қийин ойлар кўрсатади.

## НОЯБРЬ КИМГА КУЛИБ БОҚАДИ?

1996 ЙИЛНИНГ ноябри АҚШ давлати ва халқи ҳаётида ўзгача мазмунга эга бўлади. Зеро, ўша пайтда бу ерда янги президент сайланади. Айни кунларда эса «Ким президент бўларкин?» деган савол муаллақ бўлиб турипти. Чунки, бўлажак сайловларда ғалаба қозонишга шубҳа қилмаётган икки номзод — Билл Клинтон ҳам, Роберт Доул ҳам сиёсий ва ижтимоий фаолиятда ном чиқарган арбоблардир. Америка халқи бу икки шахснинг ижобий жиҳатларини ҳам, салбий хусусиятларини ҳам беш қўлдек билади. Маълумки, бундай шароитда майдонга чиқиш осон бўлмайди.

Шунинг учун бўлса керак, ҳозирги паллада ҳар икки номзод ўзларини энг яхши томонлардан намойиш этишга ҳаракат қилмоқдалар. Кейинги ҳафталар бундай «кўз-кўз қилишлик»нинг яққол мисоли бўла олади.

Яқинда Сан-Диего шаҳрида бўлиб ўтган республикачилар партиясининг миллий қурултойи Р. Доул номзодини якдиллик билан тасдиқлади. Уста иқтисодчи Жек Кэмп вице-президентликка танланди.

Республикачилар ишонган одам ким ўзи? Р. Доул Канзас штатининг Зассел шаҳарчасида таваллуд топган. Ҳозир у 73 ёшда. Иккинчи жаҳон уруши йилларида взвод бошлиғи бўлган. Жангда олган жароҳати туфайли ўнг қўли яхши ишламайди. Уста сиёсатчи. 35 йил конгрессда сенаторлик қилди.

Бу одам ўз партияси қурултойига оқ катерда етиб келди. Машиналар, мотоцикллар, фоэтонлар карвони уни тантанали равишда кутиб олди. Йиғилганлар уммони жуда катта иззат-икром кўрсатди. Анжумандан сўнг мисли кўрилмаган зиёфатлар, томошалар бошланди. Кейинроқ юқоридаги маъракаларга 30 миллион доллар сарфланганлиги маълум бўлди.

Бу орада АҚШнинг ҳозирги президенти 50 ёшга тўлди. Унинг таваллуд топган куни ҳам ўта катта тантаналар билан нишонланди. Асосий йиғинлар Нью-Йоркнинг «Радио Сити мюзик-холл» театрида бўлди. Президент рафиқаси Хиллари хоним тўйбошилик қилди. Унга қизи Челси ёрдамлашди. «Клинтон—50» деб аталган байрам-шоуни машҳур эмакдош Ж. Марголис бошқарди.

Тантаналар фазовий йўлдош орқали АҚШнинг 150 шаҳрига олиб кўрсатилди. Чипталар баҳоси — 250, 500, 1500 ва 10.000 доллар бўлди. Тушумнинг 90 фоизи демократик партиянинг миллий қўмитасига, 10 фоизи эса Клинтон-Гор сайлов мавсумини ўтказиш тадбирларига қўлдирилди. Энг машҳур хонандалар хизматда бўлдилар. 150 килограммлик торт ҳам ҳаммага хуш келди.

Шу тарика «тўйболалар» кимнинг нимага қодир эканлигини кўрсатиб қўйишди. Бироқ, сайлов барибир сайлов. Асосий гап халқ овозига бориб тақалади. «Ньюсуик» ҳафтаномасининг ёзишича, «Р. Доул вақт қопқонига тушиб қолган бўлса, ажаб эмас. Чунки, у 1980 йилдаги Рональд Рейганнинг зафарли юришини такрорлай олмаса керак. Зеро, Б. Клинтон Жимми Картер эмас. Иқтисодиёт ва халқ ҳаёти ҳам у даврдагидан кескин фарқ қилади».

## ПХАНМУНЖОМ ЮРИШИ

СЎНГГИ кунларда Жанубий Корея пойтахтидаги олий ўқув юртлари талабаларининг полициячилар билан тўқнашуви аянчли оқибатларга олиб келди. Воқеа бундай бўлди: Аввалги ҳафта бошида мамлакат озод этилганлигининг 51-йиллиги муносабати билан олий ўқув юртларининг эркин фикрловчи талабалари Жанубий ва Шимолий Кореяни бўлиб турувчи Пханмунжом белгисиз ҳарбий худуди томон юриш бошладилар. Улар тинчлик ва Ватанни бирлаштириш шиори остида умуммиллий конференция ўтказиш ниятида эдилар. Ўн минглаб талабалар икки мамлакат чегараси томон йўл олганларида полициячилар уларнинг йўлини тўсиб чиқди. Бош-бошдоқлик, ур-йиқит, олишувлар етти кун давом этди. Вертолетлар, сув пурковчи машиналар, кўздан ёш оқизувчи қуроллар ишга солинди. 18 минг полициячи шафқат нималигини билмади. Талабалар эса таёқлар, тошлар, ёнувчан шиша бутилкалар билан уларга қарши отилдилар.

Сеул кўчалари ва «Енсе» дорилфунуни атрофидаги тўқнашувлар, ниҳоят, куни кеча талабалар муваффақиятсизлиги билан тугади. Намойишчилардан 3 мингга яқин йигит-қизлар ҳибсга олинди. Икки томондан 500 га яқин киши оғир жароҳатланди. Маъмурият қўлига тушганларни аёвсиз жазолаш ниятида эканлигини яширмаётир.

## 21 ЙИЛДАН СЎНГ

БИР НЕЧА кун муқаддам Бангладеш хавфсизлик хизмати ходимлари бош вазир Хасина Вазад ва унинг ҳукуматидаги бир неча юқори лавозимли кишиларга суиқасд қилиб, давлат тўнтариши уюштиришга уринган фитначиларни фош этди. Оммавий ахборот воситалари хабарига қараганда, улардан уч нафари ҳибсга олинди. Фитначилар 1975 йил 15 августида ҳарбий тўнтариш қилиб, мамлакат бош вазири Шайх Мужибур Раҳмон ва унинг яқинларини қатл этишда қатнашган истеъфодаги зобитлар эканлиги аниқланди.

Қўлга тушган Бангладеш армиясининг зобитлари — майор Замон ва полковниклар — Раҳмон ҳамда Шаҳриёрлар 21 йил бурун қилган жиноятларини бўйинларига олдилар. Ўшанда давлат бошлиғи уйига қилинган ҳужум натижасида «миллат отаси» — Шайх Мужибур Раҳмон, унинг рафиқаси, уч ўғли, шу жумладан, ўн яшар ўсмир ва икки нафар ҳомиладор келинлари отиб ўлдирилган эдилар. Давлат бошлиғи оила аъзоларидан ўшанда жами 25 киши ҳалок бўлган эди. Хасина ва унинг синглиси Рехани Германия саёҳатида бўлганлари учун тасодифан омон қолган эдилар. Фитначилар энди одил суд олдида жавоб беришлари ва қилмишларига яраша жазоланишлари лозим, деди Хасина Вазад.

## ВОҚЕАЛАР ТЎЛҚИНИДА

● ШВЕЙЦАРИЯ маъмурлари Чили хунтасининг собиқ раҳбари Аугусто Пиночетга ўз мамлакатларига кириш учун рухсатнома бермадилар.

● ХИТОЙ маъмурлари Иосиф Сталин номларини шаҳарлар кўчаларидан олиб ташлаш тўғрисида фармойиш бердилар.

● САУДИЯ Арабистонининг терговчилари қўлга тушган уч шахсни сўроқ қилишда давом этмоқдалар. Улар июнь ойида Даҳран ҳарбий ҳаво базасидаги портлашга даҳлдор, деб гумон қилинмоқда.

● РОССИЯНИНГ Соликамск шаҳридаги ҳарбий қисмларнинг биридан 30 нафар аскар қочиб кетди.

● КАСПИЙ денгизининг Озарбайжон соҳилларига туташ ерлари 2,5 метр кўтарилди. 50 аҳоли маскани, 200 дан зиёд корхоналарни сув босиш хавфи туғилмоқда.

● ДОҒИСТОН пойтахтида молия вазирлиги биносига кираверишда қаттиқ портлаш рўй берди. Тўрт киши ҳалок бўлди, саккиз киши жароҳатланди.

***(Жаҳон оммавий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди).***

**«ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЦИРКИ»**
**Республика бирлашмаси**
**Тошкенбой Эгамбердиев номидаги**
**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА**
**Шу йилнинг 24 августидан 15 сентябригача**
**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 5 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН**
**КАТТА БАЙРАМ ТОМОШАЛАРИ**

**ДАСТУРДА: ўргатилган кучукчалар, маймунлар, эчкилар, айиқлар ва бошқа ҳайвонлар иштирокида**
**2 БЎЛИМДАН ИБОРАТ РАНГ-БАРАНГ ТОМОШАЛАР.**

Томошалар: иш кунларида кеч соат 18.00 да, шанба ва якшанба кунлари — соат 12.00 ва 15.00 да бошланади.

Чипталар нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан сотилади.

**Касса соат 10.00 дан 18.00 гача ишлайди.**

***Маълумот учун телефонлар: 44-35-91, 44-29-04.***

**УРУҒЛИК КЕРАКМИ? МАРҲАМАТ!**

**Тошкент вилояти, Зангиота тумани «Бўзсув» деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси қуйидаги кафолатланган сабзавот уруғларини**

**СОТАДИ**

**1. Пиёз уруғи — «Қоратол» нави**
**2. Помидор уруғи — ТМК нави**
**3. Ош лавлаги уруғи — «Бардо» нави**
**4. Редис уруғи — «Рубин», «Дунган», «Оқ тумшуқ» навлари**
**5. Укроп уруғи — «Ўзбек — 243» нави**
**6. Кашнич уруғи — «Янтарь» нави**

**Тўловлар сўмларда ҳисобга ўтказиш, ҳамда вексель ва нақд пул орқали амалга оширилади.**

**Манзилгоҳимиз: Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Бўзсув» деҳқон фермер хўжаликлари уюшмаси.**
**Автобус: С. Раҳимов метросидан «Метро—Бўзсув» маршрути.**

«ТУРОБИЛ» акционерлик жамияти шуни маълум қиладики, акционерларнинг навбатдан ташқари йиғилиши 1996 йилнинг 9 сентябрь куни соат 10.00 да қайтадан ўтказилади.

**Йиғилиш қуйидаги манзилда бўлади**: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 16 «а» уй, 505 хона.

# ҲАФТАЛИК TV «Тошкент ҳақиқати» TV КЎРСАТУВЛАР

## ДУШАНБА, 26

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.30 «Ҳафтанома».
*
8.30 Мусиқий хазина. «Дугоҳ».
9.00 «Нурли сиймолар». Кинодастур.
9.30 «Ҳаммаси маҳалладан бошланади». Публицистик кўрсатув.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Камолот сари». Теле-очерк.
10.35 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида».
11.00 «Хусусийлаштиришнинг янги йўналишлари».
11.30 Дони Зокиров номидаги халқ чолғу оркестрининг концерти.
11.55 «Буғдойзордаги уйча». Мультфильм.
12.05 Шароф Бошбеков. «Тақдир эшиги». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
14.00—14.05 Янгиликлар.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 5 йиллигига. «Буюк Ипак йўли». Мусиқий саёҳат. «Ўзбектелефильм» премьераси.
18.35 «Эркатой».
18.50 «Мозийдан садо».
19.05 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон — Ватаним маним!» Республика қўшиқ кўрик-танлови кундалиги.
21.20 Буюк келажак сари. «Озодлик». Видеофильм премьераси. 1-серия.
21.50 «Бу оқшом».
22.20 «Морена Клара». Телесериал.
23.05 «Рангин дунё». Бадиий-публицистик кўрсатув.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Ўзбекистон телевидениесида вилоят студияларининг кўрсатувлари. Экранда — Самарқанд вилояти.
00.25 Тунги тароналар.
00.35—00.45 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.40 «Палитра».
19.10 «Услуб» (мода янгиликлари).
19.20 «Клип-антракт».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот».
19.50 Эълонлар.
19.55 «Камертон».
20.10 «Мусиқа, холос».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Курьер».
21.20 «Прайм-тайм».
21.30 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
23.00—24.00 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Ўзбекистонда куз». Телефильм.
*
**Россия жамоат телевидениеси**
**18.10 — 20.35**
*
20.35 «Занданечи сири», «Хонатлас». Телефильмлар.
*
**Россия давлат телевидениеси**
**21.00 — 21.30**
*
21.30 Эълонлар.
21.35 «Янги қурбон». Телесериал.
22.25 — 22.30 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультярусель».
19.00 «Қузмунчоқ». Болалар учун дастур.
19.30 Эълонлар.
19.35 «Ҳамкорлик — тараққиёт нишонаси».
20.05 «Шукрона».
20.10 «Жаҳон». Халқаро шарҳ.
20.35 Эълонлар.
20.40 Кинематограф. «Инспектор Фрост». Телесериал.
21.25 «М-хабар».
21.35 «Сиз ва биз».
22.05 «Аёл».
22.35 «Сиз ва биз» (давоми).
23.05 Эълонлар.
23.10 «Спорт-тайм».
23.40 — 23.50 «Хайрли тун!».

## СЕШАНБА, 27

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Олам ва одам». Маърифий кўрсатув.
9.00 Биржа ва банк хабарлари.
9.20 «Истиқлол рамзи». Телефильм.
9.30 «Ором». Мусиқий дастур.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Тараққиёт». Публицистик кўрсатув.
10.35 Инглиз тили.
11.05 «Шифокор маслаҳати».
11.15 «Мунир лаҳзалар». Адабий кўрсатув.
11.45 «Мактаблар янги ўқув йилига шайми?».
12.45 «Биз ҳиссадор бўлдик».
13.00 «Майсаранинг иши». Бадиий фильм. 1-серия.
14.00—14.05 Янгиликлар.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Болалар учун. «Доно бобо даврасида».
18.35 «Виждон». Телесериал.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Мустақиллик меваси». 12 ёшли талаба.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси VI сессияси олдидан.
21.20 Буюк келажак сари. «Озодлик». Видеофильм премьераси. 2-серия.
21.50 «Оҳанглардан таралган меҳр».
22.10 «Мен Ватанни мадҳ этаман».
22.20 «Альманах-ТВ».
22.55 «Юртим жамоли».
23.15 «Замон».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Навбаҳор» — «Суғдиёна».
00.40 Тунги тароналар.
00.50—01.00 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Тропиканка сири». Телесериал.
19.05 «Мультфейерверк».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Постфактум».
20.05 «Нафис мажлислар». Хотин-қизлар учун кўрсатув.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «АРТ-журнал».
21.15 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.55 «Кинонигох».
23.35—00.20 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Тошкент фавворалари». Телефильм.
*
**Россия жамоат телевидениеси**
6.30 — 8.00 «Телетонг».
* * *
**18.10 — 20.35**
*
20.35 «Бахтим, сени куйлайди». Фильм-концерт.
*
**Россия давлат телевидениеси**
**21.00 — 21.30**
*
21.30 Эълонлар.
21.35 «Янги қурбон». Телесериал.
22.25 — 22.30 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультярусель».
19.00 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
19.35 «Спорт-дайжест».
20.05 Эълонлар.
20.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
21.00 «Шукрона».
21.05 «Дипкурьер».
21.20 «Ватан — менинг тақдиримда». Молдова Мустақил деб эълон қилинганлигининг 5 йиллигига.
21.40 «Солиқ ҳақида сабоқлар».
21.55 «16 эл». Немис тилида шарҳ.
22.25 Эълонлар.
22.30 «Кўркам сакура».
23.00 «Океандан океангача». USA-круиз.
23.30 Эълонлар.
23.35 «Сирдошим».
00.05—00.15 «Хайрли тун!».

## ЧОРШАНБА, 28

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Кўзларим сўзлар». Муҳаббат Ғофурова куйлайди.
8.55 «Алпомиш авлодлари». Спорт дастури.
9.25 «Истиқлол маликалари».
10.00 Янгиликлар.
10.05 Алифбо сабоқлари.
10.35 «Санъатга бахшида умр». Ўзбекистон халқ артисти Бекажон Раҳимова.
10.55 «Ёшлик» студияси. «Ватанпарвар».
11.25 «Фаррух ва Зумрад». Мультфильм.
11.40 «Камондаги қалб». Мусиқий дастур.
12.10 «Тафаккур ёлқинлари».
12.30 Болалар учун. «Бу дамлар ўхшар эртакка».
13.00 «Майсаранинг иши». Бадиий фильм. 2-серия.
14.00—14.05 Янгиликлар.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 5 йиллигига. «Убалик муъжизакорлар». «Зарралар оламида». «Ўзбектелефильм» премьераси.
18.40 «Замон билан ҳамнафас».
18.55 «Бу ёруғ оламда Ватан биттадир...».
19.00 «Оҳанглар оғушида».
19.05 «Сайёрамиз садоси». Публицистик кўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Фольклор-этнографик жамоаларининг «Зилол» телефестивали.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси VI сессияси олдидан.
21.20 Буюк келажак сари. «Озодлик». Видеофильм премьераси 3-серия.
21.50 «15 дақиқа спорт ҳақида».
22.05 «Автоолам».
22.20 «Морена Клара». Телесериал.
23.05 «Тилсим». Тележурнал.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Ўзбекистон телевидениесида вилоят студияларининг кўрсатувлари. Экранда — Жиззах вилояти.
00.25 Тунги тароналар.
00.40—00.50 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.35 «Табиат дунёси».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Дунё бўйлаб..»
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Дриблинг».
21.25 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
22.55—23.55 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Тошкент. Эски шаҳар». Телефильм.
*
**Россия жамоат телевидениеси**
6.30 — 8.00 «Телетонг».
*
**18.10 — 20.35**
*
20.35 Эълонлар.
20.40 «Жонли сайёра».
*
**Россия давлат телевидениеси**
**21.00 — 21.20**
*
21.20 Эълонлар.
21.25 «Янги қурбон». Телесериал.
22.15 — 22.20 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Ўзбекистон муштарак».
18.50 «Мультярусель».
19.05 «Жаҳон болалари».
19.35 «Шукрона».
19.40 «Бугунги Словакия». Словакия Республикаси миллий байрамига.
20.00 Эълонлар.
20.05 Кинематограф. «Инспектор Фрост». Телесериал.
20.55 «Тошкент оқшомида».
21.25 «Маънавият сарчашмалари».
21.55 Эълонлар.
22.00 «IV канал эксклюзиви».
22.30 Эълонлар.
22.35 «Гулшан диёрим».
23.05 «Мафтункор табиат».
23.25 «Юлдузлар жилоси».
23.55 — 00.05 «Хайрли тун!».

## ПАЙШАНБА, 29

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 Олтин мерос. «Ўлмас хазина».
9.05 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 5 йиллигига. «Нурли манзил».
9.25 «Томошабин мактублари».
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Фан — тараққиёт пойдевори».
10.15 «Инсон ва замин». Тележурнал.
10.45 «Чинор остидаги дуэль». Бадиий фильм.
11.50 «Мен ва дунё». Публицистик кўрсатув.
12.20 «Домла» видеофильми ижодкорлари билан учрашув.
12.50 «Маърифат» видеоканали.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 5 йиллигига. «Нонинг бутун бўлсин, элим», «Ўзбектелефильм» премьераси.
18.30 «Аввал иқтисод...».
18.45 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
19.05 Дилнавоз садолар.
19.20 «Омонлик тилаймиз!».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Юзма-юз». Мулоқот.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VI сессиясида.
21.45 Буюк келажак сари. «Озодлик». Видеофильм премьераси. 4-серия.
22.15 «Мутойиба». Пайшанба ҳазиллари.
22.30 «Ўзбекистон — Ватаним маним!».
22.35 «Одобнома».
22.45 Дилнавоз садолар.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.10 — 00.20 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.35 «Тропиканка сири». Телесериал.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Автосалон».
20.15 «Мусиқа, холос».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Мак ва Матли». Қизиқарли кўрсатув.
21.25 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.05 «Кинонигох».
23.45 — 00.10 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Тошкент. Янги шаҳар». Телефильм.
*
**Россия жамоат телевидениеси**
6.30—8.00 «Телетонг».
* * *
**18.10—20.35**
*
20.35 «Шохсупа сари йўл».
*
**Россия давлат телевидениеси**
**21.00 — 21.30**
*
21.30 Эълонлар.
21.35 «Янги қурбон». Телесериал.
22.25—22.30 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультярусель».
19.00 «Менинг маҳаллам».
19.30 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
20.00 Эълонлар.
20.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.55 «02» тўлқинида.
21.10 «Сеҳр».
21.30 Эълонлар.
21.35 «Эколот-коктейль».
22.05 «Компьютер-ревю».
22.30 «Шукрона».
22.35 «Туманлардан холи Британия».
22.55 Эълонлар.
23.00 «Кобра». Телесериал.
23.50 — 24.00 «Хайрли тун!».

## ЖУМА, 30

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Кекса санъаткорлар концерти.
8.55 «Юзма-юз». Мулоқот.
9.15 «Улар истиқлол дедилар». Адабий кўрсатув.
9.35 «Бир дунё болалармиз».
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Аёл борки, олам мунаввар...». Публицистик кўрсатув.
10.35 Футбол майдонларида.
11.05 Т. Низом. «Учар юлдуз». Видеофильм.
12.00 «Сирли сандиқ». Телевизион ўйин.
12.40 «Истиқлол фарзандлари».
13.05 Менга сўз беринг. «Замонамиз қаҳрамонлари».
14.00 — 14.05 Янгиликлар.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Митти юлдузлар.
18.25 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 5 йиллигига. «Аскарлар куйлаганда». «Ўзбектелефильм» премьераси.
18.35 «Синфдош».
18.55 Мутолаа.
19.05 Бизнес ҳафта якунлари.
19.15 Мустақиллик одимлари.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Эртага — шанба». Махсус сони.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VI сессиясида.
21.45 Буюк келажак сари. «Озодлик». Видеофильм премьераси. 5-серия.
22.15 «Репортаж».
22.30 «Ўзбекистон — Ватаним маним!».
22.45 М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 7-кўй.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 «Ривоят».
00.05 Мафтункор чеҳралар.
00.30 Мустақиллик одимлари.
00.40 «Хуш келибсиз!».
01.10 «Байрам арафасида». Концерт.
01.40 — 01.50 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар. ТВ-2.
18.15 «Мультфейерверк».
18.35 «Камертон».
18.45 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 5 йиллигига. «Уфқлар оша». Видеофильм премьераси. 1-қисм. «Муқаддима».
19.05 «Бизнес-уик». Байрам сони.
19.25 Эълонлар. ТВ-2.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар. ТВ-2.
19.55 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 5 йиллигига. «Уфқлар оша». Видеофильм премьераси. 2-қисм. «Йўл оғир эди».
20.25 Эълонлар. ТВ-2.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар. ТВ-2.
21.00 «Камертон».
21.05 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 5 йиллигига. «Уфқлар оша». Видеофильм премьераси. 3-қисм. «Журъат».
21.30 Мусиқа ва Эълонлар.
22.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
23.00 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Музей». Телефильм.
*
**Россия жамоат телевидениеси**
6.30—8.00 «Телетонг».
***
**18.15—20.35**
***
20.35 «Мусиқа барча ёшдагилар учун».
*
**Россия давлат телевидениеси**
**21.00—21.30**
*
21.30 Эълонлар.
21.35 «Янги қурбон». Телесериал.
22.25—22.30 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультярусель».
19.00 «Халқ саломатлиги йўлида».
19.30 «Учқун».
20.00 Эълонлар.
20.05 «Билиб қўйган яхши».
20.30 «Ўтмишсиз келажак йўқ». Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 5 йиллигига.
21.00 «Шаҳрим — фахрим». Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 5 йиллигига.
21.30 Эълонлар.
21.35 «Шукрона».
21.40 «Коинот».
22.10 «Бу бўстон аро...». Махсус сони.
22.40 Эълонлар.
22.45 «Америкага бир назар».
23.15 Араб эстрадаси.
23.45 — 23.55 «Хайрли тун!».

## ШАНБА, 31

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 «Ахборот».
*
8.25 «Қуёш юрти».
8.30 «Асрга татигулик кун». 1991 йил 31 август.
8.40 «Ўзбекистон — Ватаним маним!». Республика қўшиқ кўрик-танлови ғолибларининг концерти.
10.00 Янгиликлар.
10.10 «Қуёш юрти».
10.15 «Масофага дахлсиз алоқалар». Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов БМТ сессиясида. Видеофильм.
11.00 «Ширу-шакар» ансамбли. Болалар учун концерт.
11.30 «Мангуликка туташ онлар». 1992 йил. 31 август.
11.55 «Қуёш юрти».
12.00 Янгиликлар.
12.10 «Масхарабоз». Бадиий фильм.
13.30 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 5 йиллигига. «Ўзбекистон. Бешинчи довон». «Ўзбектелефильм» премьераси.
14.00 Янгиликлар.
14.10 «Қуёш юрти».
14.15 «Мангуликка туташ онлар». 1993 йил. 31 август.
14.40 «Сиз севган қўшиқ».
15.00 «Умид чечаклари».
15.25 «Мустақиллик солномаси».
15.40 Фольклор-этнографик жамоаларининг «Зилол» телевизион фестивали.
16.10 «Қуёш юрти».
16.15 «Ватанни севмоқ иймондандур».
16.45 «Мангуликка туташ онлар». 1994 йил. 31 август.
17.10 «Совға». Болалар учун.
17.30 «Мангуликка туташ онлар». 1995 йил. 31 август.
17.55 «Қуёш юрти».
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Мустақиллик солномаси».
18.25 «Қуёш юрти».
18.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.00 **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 5 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛАР.** МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИДАН ОЛИБ КЎРСАТИЛАДИ.
21.00 «Ахборот».
21.30 «Кўнгил».
21.50 «Сурур».
22.05 «Теннис-клуб».
22.25 «Хайрат».
22.40 **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 5 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛАР.** МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИДАН ОЛИБ КЎРСАТИЛАДИ (такрор.).
00.40 «Эл азиз».
00.45 **«Тунги ёғду». Дам олиш дастури.**
1. «Тўйлар муборак». Киноконцерт.
2. «Гуноҳ 2». Бадиий фильм. Премьера.

II

**6.30 дан ЎзТВ I дастури такрорланади.**

III

9.00 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
9.05 «Сеҳрли қалам». Болалар учун спектакль.
9.45 «Бувимни қайтаринг». Бадиий фильм.
10.55 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 5 йиллигига. «Иқтисодий ислоҳот йўлидан».
11.10—11.35 Дилафрўз Жабборова рақсга тушади.
***
17.45 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
*
**Россия жамоат телевидениеси**
**17.55 — 20.35**
*
20.35 Эълонлар.
20.40 «Ўзбекистон — умумий уйимиз».
21.10 «Мусиқа барча ёшдагилар учун».
21.40 «Буюк Амир Темур васияти». Телефильм.
*
**Россия давлат телевидениеси**
**22.00—00.40**
*
00.40—00.55 «Ер қалбига қулоқ тут». Телефильм.

IV

**«ЧИНОР» ВИДЕОКАНАЛИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 5 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ДАСТУРИ:**
10.00 «Дидар».
10.30 «Айчурек».
11.00 «Рангинкамон».
11.30 «Безнен мирас».
12.00 «Среща». Болгар маданият маркази.
12.30 Болалар учун фильм. «Энг кичик гном».
***
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультярусель».
19.00 — 21.00 **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 5 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛАР.** МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИДАН ОЛИБ КЎРСАТИЛАДИ.
21.00 «Шанба оқшомида».
21.10 «Олам ва одам».
21.50 Эълонлар.
21.55 «Шукрона».
22.00 «Адабий театр».
22.10 «Спорт-дайжест».
22.40 «Шукрона».
22.45 «Эсдалик учун дастхат». Байрам сони.
23.10 — 23.20 «Хайрли тун!».

## ЯКШАНБА, 1

I

**«Ўзбекистон — Ватаним маним!».**
**Ўзбекистон телевидениеси 1 сентябрь куни соат 6.30 дан мамлакат Мустақиллигининг 5 йиллигига бағишланган байрам дастурларини томоша қилишга таклиф этади.**

II

**6.30 дан ЎзТВ I дастури такрорланади.**

III

10.00 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
10.05 «Сеҳрли най». Болалар учун фильм-концерт.
10.30 «Ер-ёр». Бадиий фильм.
11.40 — 12.10 Телетомошабинларнинг талабларига биноан концерт.
***
17.10 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
*
**Россия жамоат телевидениеси**
**17.20—21.20**
*
21.20 Ўзбекистон спортчилари Атлантадаги XXVI Олимпиада ўйинларида.
*
**Россия давлат телевидениеси**
**21.55—23.10**
*
23.10 — 23.40 «Панорама».

IV

9.00 «Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!».
9.30 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
9.40 «Шукрона». Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 5 йиллигига.
9.45 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
10.15 «Учувчи шифокорлар». Телесериал.
11.00 Халқлар Дўстлиги майдонидан репортаж.
11.20 «Дипкурьер».
11.25 «Парле ву франсэ?»
11.55 Эълонлар.
12.00 Халқлар Дўстлиги майдонидан репортаж.
12.20 «Шукрона». Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 5 йиллигига.
12.25 «Жонли сайёра». Ўзбекистон қўриқхоналари.
12.45 «Дипкурьер».
12.50 «Чироқ». Шеърий саҳифа.
13.00 Халқлар Дўстлиги майдонидан репортаж.
13.20 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
14.50 «Оқ сой». Махсус сони.
15.20 Эълонлар.
15.25 «Дунё эшиги».
15.55 Киносалон. «Водиллик келин». Бадиий фильм.
*
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультярусель».
19.00 «Телетаъриф».
19.10 «Томоша» табриги.
19.40 «Чироқ». Шеърий саҳифа.
19.50 Эълонлар.
19.55 «Шукрона». Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 5 йиллигига.
20.00 «ТВ IVда етти кун».
20.20 «Хонадонингизда осойишталик бўлсин!». Махсус сони.
20.50 «Дипкурьер».
20.55 Киносалон. «Интеграл». Бадиий фильм.
22.15 «Иштирок этувчилар». Махсус сони.
22.45 «Олимпиада: дадил қадамларимиз». Видеофильм премьераси.
23.15 «Дипкурьер».
23.20 «Шукрона». Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 5 йиллигига.
23.25 Халқлар Дўстлиги майдонидан репортаж.
00.05 — 00.15 «Хайрли тун!».

# Аёл олами

*Қадриятларимиз*

## МОМОЛАРИМИЗГА ЎХШАСАК ЁМОНМИ?

ЎТГАН йилнинг бошларида, тўғрироғи, 1995 йилнинг 2 мартида Президентимиз Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва давлат қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» фармон қабул қилганини кўпчилик эсласа керак. Моҳиятан ниҳоятда муҳим бўлган ана шу фармондан сўнг республика Вазирлар Маҳкамасида хотин-қизлар билан ишлаш бўлими ташкил этилди ва фаол ишга киришди. Ваҳоланки, бошқа МДҲ мамлакатларининг бирорта давлат тизимида бевосита аёллар масаласи билан шуғулланувчи бундай бўлим йўқ. Бундан ташқари, бизда хотин-қизлар қўмитаси раиси айни пайтда Бош вазир ўринбосари, жойларда эса ҳоким муовинлари ҳисобланадилар. Мана шунинг ўзиёқ ҳукуматимизнинг аёлларга нисбатан эътибори ва ғамхўрлиги нишонасидир.

Албатта, бундай эътибор ва эъзозга жавобан масъулият билан ишлашимиз, оиладаги маънавий-ахлоқий қадриятларни кўтаришимиз, кишиларда инсонпарварлик, сабр-тоқат, иймон-эътиқод, меҳнатсеварлик сингари сифатларни шакллантиришимиз, келин ва қизларимизни рисоладагидек қилиб тарбиялашимиз лозим бўлади. Чунки, жамиятнинг тараққиёти аввало ўсиб келаётган фарзандларимизнинг ақл-идрокига, маънавий ва жисмоний баркамоллигига боғлиқдир. Бундай фарзандларни эса, аввало, АЁЛ дунёга келтиради ва тарбия беради!

Бунда аёлнинг саводхонлиги ўта муҳим деб ўйлайман. Йўқ, мен саводхонлик деганда фақаттина ўқиш-ёзишни билиш, олий маълумот олишни назарда тутаётганим йўқ. Дунёда, боринг-ки, жамиятимизда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар, давлатимиз юритаётган сиёсат моҳиятини тўғри англаш ва мустақил фикр юрита олиш ҳам саводхонликка киради. Бу эса бола тарбиясида, рўзғор тутишда, эрга муносабатда жуда асқотади.

Яхши биламизки, ҳозирги кунда республикамизда тадбиркорлик ва ишбилармонликка жуда катта эътибор берилаяпти. Бу ҳол, тушунган одам учун ниҳоятда катта имконият ва фаровонликка элтувчи ишончли воситадир. Баъзан, бола тарбияси ёки оилавий шароитнинг тўғри келмаслиги туфайли ишламай, уйда ўтирган аёлларимиздан, «тадбиркорликнинг бизга алоқаси йўқ, супур-сидирни вақтида қилиб, қозон-товоққа қараб ўтирсак бўлди» деган фикрларни эшитиб қоламиз. Лекин, чуқурроқ мулоҳаза қилиб кўринг-чи, шу гаплар тўғримикин?!

Илгари аёлларимиз рўзғор тебратишда ниҳоятда тадбиркор бўлишган. Тўнғич фарзандларининг кийимларини асраб қўйиб, кичикларига кийдиришган, ярамай қолган матолардан рўзғор учун турли буюмлар тикишган, шу тариқа оиладаги ортиқча сарф-харажатларга йўл қўйишмаган. Тежамкорлик дегани шу эмасми аслида?! Бундан ташқари кўплаб онахонларимиз, ўзлари ўқимаган бўлсалар ҳам, ҳамиша маънавий билимдонликка интилганлар, фарзандларининг онгига яхшилик билан ёмонликнинг моҳиятини, ақллилик билан нодонликнинг белгисини турли ривоятлар, ҳикоятлар, эртаклар орқали сингдиришган. Кўпинча, тўнғич фарзанд кичикларининг юриш-туриши учун масъул ҳисобланган, сингиллар эса акаларнинг назоратида бўлган. Момоларимиз мана шундай йўллар билан рўзғор тўкинлигини, оила обрўсини сақлаб келганлар. Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида ана шундай тадбиркор онахонларимизнинг йўлларидан борсак асло эскиликка қайтиш бўлмайди. Аксинча, баъзилар сингари тўкинчилик баҳонасида турли исрофгарчиликларга йўл қўйишларнинг, кийимни бир-икки кийилмай «модадан чиқди» ҳисоблаб четга улоқтиришларнинг, фарзандларимиз кўз ўнгида рўзғор ва бола тарбиясига лоқайд қарашдек ҳунук оқибатларнинг олдини олган бўламиз.

Яна бир фикр. Ўзаро яқинлик ришталарини боғлаётган қуда-андаларнинг моддий, маънавий дунёқарашлари, фикр ва тушунчалари оиладаги муҳитнинг, айниқса, ёш келин-куёвларнинг келгуси ҳаётлари учун катта аҳамият касб этишини ҳаммамиз яхши тушунамиз. Илгарилари ота-оналар келин ёки куёв танлашда «тенг тенги билан», «кўрпангга қараб оёқ узат» сингари нақлларга амал қилишган. Чунки, бир-бирига ўхшаш муҳитда тарбия топган фарзандлар янги оилага тез кўникади, ўзаро муомала-муносабатларда қийналмайди. Албатта, ким билан, қанақа оила билан қуда тутиниш ҳар кимнинг ўз ихтиёрида. Бироқ, қарияларимиз айтганидек, тўғри танланган оилада тўғри тарбия бўлади, хотиржамлик ва барқарорлик ҳукм суради. Бу келажак учун, жамият ривожи учун нақадар муҳимлигини таъкидламаса ҳам бўлади.

Мен бугунги мутлақо янги жамиятда туриб, улкан ўзгаришлар, юксалишлар давом этаётган мустақиллик онларида ҳар бир оиланинг бахтиёрлиги, тинч-тотувлигини истаган ҳолда, пиру-бадавлат онахонларимизнинг, тадбиркор бувиларимизнинг ҳаёт тажрибалари хусусида баъзи мулоҳазаларимни ўртага ташладим. Ахир янги жамиятга бирданига синалмаган янги йўллар билан боролмаймиз. Бизга ўтмишнинг яхши анъаналари, авлодларимизнинг ҳаёт тажрибалари ҳамиша қўл келиши табиийдир. Президентимиз таъкидлаганларидек, мустақил Ўзбекистонимизнинг буюк келажагини таъминлашда хотин-қизларнинг роли беқиёсдир. Демак, биз аёллар жамият қурилишидаги бевосита иштирокимиз билан, оиладаги тадбиркорлик ва тежамкорлигимиз, билимимиз билан ҳам бу муҳим ишга ҳисса қўшишимиз лозимдир.

***Ойниса МУСУРМОНОВА,***
***Республика Вазирлар Маҳкамасининг хотин-қизлар ишлари бўлими мудираси, педагогика фанлари доктори.***

# КЕНГАШЛИ ТЎЙ ТАРҚАМАС...

***Дарҳақиқат, шундай! Ўзаро маслаҳат ва томонларнинг келишуви орқали ўтадиган камхарж, аммо серфайз тўйларга нима етсин! Қолаверса, ҳозирги бозор иқтисодиёти шароити кишиларни замонга мос иш тутишга, миллий анъаналар ва урф-одатларни чиройли ва камчиқим қилиб ўтказишга ундамоқда. Бу борада Қибрай туманида олиб борилаётган ишлар айниқса, самарали бўлаётир. Туманда кўпчилик ота-оналарнинг фикри битта: оз бўлсин-у, соз бўлсин! Шу боисдан бўлса керак, туман раҳбарлиги, хотин-қизлар қўмиталари фаолларининг тўй-маъракаларни ихчам ва ортиқча исрофгарчиликсиз ўтказиш масаласидаги саъй-ҳаракатлари беҳуда кетмаяпти. Келинг, яхшиси қибрайлик аёлларнинг тўйлар билан боғлиқ турли урфлар ҳақидаги фикрларига қулоқ тутиб кўринг. Агар бу мулоҳазаларга қўшилсангиз, оилавий тадбирларингизда, албатта, қўллаб кўринг.***

*Мунозара*

### ҚИЗИМНИНГ СЕПИ — ОДОБИ

ҲОЗИРГИ пайтда кўплаб тўй-маъракаларимизда исрофгарчиликка йўл қўйилаётганини тан олмай иложимиз йўқ. Инсон ҳаётга бир марта келади. Умри давомида пешона тери билан топган бойлигини бир кунлик тўй-маъракада сарфлаб юбориши тўғри эмас.

Мен ўзим маҳалладаги деярли барча йиғинларда, узоқ-яқин тўйларда қатнашганман. Қайси жойга борманг, аёллар ўртасида албатта келинга қўйилган сарполар мавзусида гап чиқади. Фалончи келинига ёки куёвига шунча сарпо қилибди, фалончининг фалон нарсага қурби етмабди ва ҳакозо... Шундай майда гапларни эшитганимда ўзимча ҳаёлга ботаман. Тўй қилаётган хонадоннинг не-не ҳаракатлар эвазига тўй қилиб, элга ош бериб, яна мана бунақа гапларга қолишига аслида ким сабабчи? Ўзимиз эмасми? Келин-куёвга ўнлаб бош-оёқ сарпо, ортиқча кўрпа-кўрпачалар, хорижий мебель, телевизор камдай видеомагнитофон... Очиғи, қарзга ботиш эвазига фарзандларига бунчалик дабдабали совғалар олишга ота-оналарни нима мажбур қилаяпти?! Менимча, буларнинг ҳаммаси «фалончи шундоқ тўй қилганда мен қила олмайманми?» деган иллатдан қутула олмаётганимизда. Бу аслида тўкликка шўхликнинг ўзгинаси ҳамдир!

Менинг таклифим: тўй сарполари, кўрпа-кўрпачалар, янги оила учун бериладиган бошқа жиҳозлар қисқартирилиб, ёшларга рўзғор учун зарур бўладиган энг муҳим нарсалар совға қилиниши керак. Қолганларини келин-куёвлар ўзлари меҳнат қилиб, ҳалол пулларига харид қилишсин, шунда меҳнатнинг ҳам, буюмнинг ҳам қадрига кўпроқ етишади. Аслида бу гаплар аввал ҳам айтилган. Бироқ, бизнинг туманимизда бу масалада аниқ бир фикрга келиниб, амалда қўлланила бошлагач, аҳвол чиндан ҳам яхшилана борди. Агар ишонмасангиз, тўйларимизга бир келинг!

***Мавлуда Рўзиматова, ишчи.***

### ЁЛҒИЗ ФАРЗАНДИМ БЎЛСА...

НЕГА энди топганимни шу қизимга сарфламас эканман, дейдиган ота-оналар кўп учрайди. Бир жиҳатдан уларнинг гапларида ҳам жон бор. Аммо ёлғиз фарзанд учун деб эл удумини бузиш ҳурматдан эмас. Қолаверса, ҳамма нарсаси бекаму-кўст, ҳатто ошириб-тошириб қилинган келинкуёв эртага ана шу буюмларнинг қадрига етармикин?!

Менинг ҳам битта қизим бор. Дадаси иккимиз шу ёлғиз жигарбандимизни ери-кўкка ишонмай ўстирдик, яхши тарбия бердик, топганимизни тўйга тўпладик. Худога шукр, қизимиз уй юмушларида ҳам, одобу-муомалада ҳам рисоладагидай бўлди. Ҳалол меҳнат билан топилган маблағни тежаб-тергашга, бўлар-бўлмасга сарф қилмасликка ўрганди.

Шофёр отанинг, ўқитувчи онанинг йиққан-тергани бир рўзғорни юргизишга етарли эди, албатта. Қизимизга атаган жиҳозимизнинг барчаси янги рўзғор учун энг керакли ва энг муҳимлари бўлди. Тежоғлик уй бежоғлик, деганлари рост экан. Қизимиз саранжом-саришталикни ўрганган учун оилада ортиқча безакларнинг ўрнини ҳам чиройли келинлик хизмати билан тўлдирди. Шунисига шукр қиламан.

Шахсан мен тўйларни дабдаба билан «ном чиқарга» ўтказилишига қаршиман. Турли йиғинлар, маъракалар дўст-биродарлар ва қариндош-уруғлар иштирокида ихчамроқ қилиб ўтказилгани маъқул.

***Қутбия БЕКОВА, меҳнат фахрийси.***

### ШОШИЛМАНГ, ГАП БОР...

ҲОЗИРГИ пайтда қизларни жуда эрта — 16—17 ёшидаёқ турмушга бериш баъзи жойларда урфга айланаяпти. Бу жуда ташвишли ҳодисадир. Йигитлар ҳам анча эрта уйланаяпти. Қарияларимиз яхши эслайди, илгари йигитлар 24-25 ёшга етмай оила қурмасди. Бирор касбни эгаллаб, кейин уйланарди. Мутахассисларнинг кузатишларича, ана шу ёшда уйланганларнинг 90 фоиздан ортиғи мустаҳкам оила қурар эканлар, яъни биринчи никоҳ билан яшаб кетар эканлар. Шунингдек, бундай оилада туғилган болалар тарбияси анча мукаммал бўлиши ҳам аниқланган.

Ҳозирчи? Йигитлар 18—19 ёшнинг нари-берисида, қизлар 16—17 ёшда турмуш қурмоқдалар. Ана энди бу икки ёшни тарбиялаш, рўзғорга ўргатиш қайнона зиммасига тушади. Чунки ўғил куёвлик вазифасини, қиз келинлик қонун-қоидасини яхши билмайди. Тез ўтмай ёшларнинг «характерлари» бир-бирларига тўғри келмай қолади, оила бузилади. Биз эса дарз кетган оиланинг бузилиш илдизларини излаймиз. Мабодо, бу ўртада фарзанд туғилган бўлса, муаммо чигаллашди деяверинг...

Ҳайронман, биз қаёққа шошаяпмиз ўзи?! Ҳали ўсмирлик жараёни тугамаган ёшларни уйлантиришдан нима манфаат бор?

Илмий текширишлар натижаси шуни кўрсатадики, қизлар ва йигитлар асосан йигирма ёшдан кейин камолотга етади. Шунинг учун қизлар 19—21 ёшдан, йигитлар эса 22-24 ёшдан сўнг турмуш қурганлари мақсадга мувофиқдир. Мен бу фикрларни тўй қилишга тараддуд кўраётган ота-оналаримиз чуқурроқ мулоҳаза қилиб кўришларини жуда-жуда истардим. Чунки бизнинг мақсадимиз тезроқ тўй қилиб, икки ёшнинг бошини қовуштириб қўйиш эмас, балки фарзандларимизнинг келгусида бахтли яшашларини, мукаммал оила қуришларини таъминлашдан иборат-ку!

***Гулчеҳра ИБРОҲИМОВА, шифокор.***

# ЭҲ, ЁШЛАР, ЁШЛАР...

*«Аёл олами»га мактуб*

***Ҳурматли «Аёл олами» мухлислари, сингилларим, қизларим!***

***Мен ошини ошаб, ёшини яшаган кекса бир одамман. «Тошкент ҳақиқати»да махсус сизлар учун босиладиган ушбу саҳифани нимагадир мен ҳам ёқтириб қолганман. Айниқса, севги ва садоқат, иймон ва иффат мавзуларидаги баҳс-мунозараларни, ёшларимизнинг ҳаётга нисбатан муносабатларини қизиқиб кузатиб бораяпман. Бундоқ қараб турсам, айрим ёш қизларимиз, келинларимиз «дунёда севги-садоқат деган парсалар йўқ экан, бевафога ишониб ҳаётим барбод бўлди», қабилидаги фикрлар билан ўзларини ҳам, муштарийларни ҳам бироз изтиробга қўйишаяпти. Ахир муҳаббат тушунчасини юзаки идрок этадиган кишига дуч келиш, дунёда севги йўқ, дегани эмас-да... Туриб-туриб, шу ҳақдаги ўз мулоҳазаларимни «Аёл олами»га ёзиб юборишга қарор қилдим.***

Мен да севги деган туйғу дастлаб 16 ёшимда пайдо бўлган. Ичимдаги яширин дардлар ошкор бўлиб, ўзим ёқтирган қиз билан очиқроқ гаплаша оладиган бўлганимда мактабни битираётган эдим. Бу айни ўша машъум 1941 йилга тўғри келади... Ҳадемай тўй қиламиз деб турганимизда уруш бошланди. Хўш, нима қилиш керак? Чорасини топиб, оила қурайми ёки урушга кетайми? Ўйлай-ўйлай, фронтга кетишга қарор қилдим. Қайлиғим билан аҳду-паймон қилишиб, агар омонлик бўлса урушдан қайтгач тўй қиладиган бўлдик. Аммо бу қиёмат-қойим жангларнинг узоқ чўзилишини, ундан тирик қайтиш даргумонлигини урушнинг дастлабки кунларидаёқ ҳис қилган эдим. Сталинград жангларида иштирок этиб, мана шу қирғин-баротлардан омон чиққанимга, кўплаб шаҳарларнинг озодлиги учун бўлган курашларда ғолиблар сафида бўлганимга ҳамон шукр қиламан. Бироқ 1943 йилда фашист ўқига учраб, оғир яраландим. Етти ой госпиталда даволандим. Шундан кейин иккинчи гуруҳ ногирони бўлиб, қишлоғимга қайтиб келдим...

Қирқ учинчи йилнинг қоқ қишида ўша ваъдалашганимиз — тўй оқшомимиз бўлиб ўтди. Менинг куёв кийимим солдатча шинел ва эски гимнастёрка эди. Тўйга тўрт кило гўшт, шунча ун, мевага беш килоча ўрик сарфланди. Келин ҳам менинг уйимга бўздан тўқилган тўй либоси, битта кўрпа-кўрпача ва кигиз билан келган эди. Секин-секин замон ўзгариб, пешонамизга ҳамма нарса битиб кетди. Лекин ҳар қандай шароитда ҳам биз энг аввало, бир-биримизга бўлган самимий муносабатларимизни, меҳримизни покиза сақладик, асраб-авайладик. Ҳозир 11 фарзандимиз бор. Ҳаммаси улғайиб, элга қўшилган. Шундай саодатли умрим учун, фарзандларим даврасидаги бахтли-тахтли кунларим учун Оллоҳга минг бор шукрлар қиламан.

Азиз болажонларим, унутманг-ки, ҳаётда ҳар бир кишининг бахти аввало, ўзининг ҳаракати, қўнгил қўйган кишисига нисбатан ишончсадоқати туфайли юзага келади. Қарс икки қўлдан, дегани аслида шу! Агар бирортасини севган бўлсангиз, ана шу кишининг севгисига муносиб бўлишга интилинг. Бир-бирингизни асраб-авайлашни ўрганинг! Муҳаббат изҳор қилган йигитга ҳар хил талаблар қўйиш, уни олиб бер, буни олиб бер қабилида унинг севгисини синаш — мутлақо хатодир! Чин муҳаббат дилда бўлади. Мен сизларга шундай бокира туйғуларни тилайман ва худди мендек қўша қариб, ували-жували бўлишларингизни дуо қиламан. Қария бувангизнинг мактубини насиҳат ўрнида қабул қиласизлар деб:

***Турсун СУННАТОВ, Бекобод тумани, Ойбек номли жамоа хўжалиги.***



*Барлолар барноси сизмисиз?*
*Гулларнинг раъноси сизмисиз?*
*Боқишлар иболи, ҳаёли —*
*Гўзаллик маъноси сизмисиз,*
*Қизлар...*
***Даврон АҲМАД олган сурат-лавҳа.***



**Болагинамнинг боласи...**

*Биласизми?*

## ҲАМ ОЗИҚ, ҲАМ ШИФО

Улуғ аллома Абу Али ибн Сино айтадилар: нонни иссиқ ҳолида ейиш яхши эмас, уни ёпилгандан кейин эртасига ейилса фойдаси кўпроқдир.

* * *

Хамири сутга қорилган нон барча касалликлар учун парҳез ўрнига ўтади.

* * *

Милклар қочиб, бўшашганда қаттиқ нонни чайнаш керак.

* * *

Сариқ касалига чалинган одам анор шарбатига бостирилган қаттиқ нон ейиши керак.

* * *

Ошқозон фаолияти бузилиб, ичи кетганда кунда уч маҳал қаттиқ нон еб, орқасидан бир пиёла қатиқ ичиб юборилса, касаллик таққа тўхтайди.

* * *

Кўнгил беҳузур бўлганда қайноқ сувга нон тўғраб, ивитиб сўнг докада сузиб ичилса, киши ёзилиб кетади.

* * *

Нонни сутга тўғраб еб юрган кишининг ҳазм қилиш аъзолари иши яхшиланади ва ранг-рўйи чиройли бўлади.

* * *

Нонни сутга ботириб ейиш пешоб йўлларидаги ачишишга барҳам беради.

* * *

Қаттиқ нон талқонини қатиққа қориштириб истеъмол этиш дизентерия (ичибуруғ)га даводир.

* * *

Фасодли ярага қаттиқ нон билан бирга қўй ёғидан олинган жиззани янчиб қўйилса фойда қилади.

* * *

Қон босими ортганда, асабларқақшаганда хамиртурушни илиқ сувда эритиб ичиш фойда қилади.

# ЁЗИЛМАГАН МАКТУБ

**(Ўн етти ёшли сингилларимга)**

ОЛИС-ОЛИСЛАРДА, баланд тоғлар ортида менга қадрдон бир гўша бор. Унда сарғиш сочлари қўнғироқ, юзларини дашт шамоли қорайтирган, қўлларидан атиру-ифор эмас, даланинг ҳиди келадиган бир қиз яшайди. У — менинг сингилим. Бу қиз орзуларини юрагига сиғдиролмаган кезларида даласи томон югуради, яшил майсазорларга бош қўйиб типтиниқ самога тикилади, чечакларга сирларини шивирлайди, момосидан эшитган ўгитларни ҳаёлан такрорлаб қизаринади...

Мен ҳаёлан унга мактублар битаман ва битикларимни дайди шамоллар ихтиёрига топшираман. Сезаман, у қиз уззукун иш билан банд. Кечкурунлари олмалар тўпиллаб тўкилаётган супага ўтирганича, ойнинг ёруғида опасининг мактубини ўқишга тутинади.

«Сенинг ўн етти ёшингни олчалар қийғос гуллаб турган бир боққа қиёслагум, — дея ёза бошлайман мен, — Бу боғдан муаттар ҳаволар сочилади, бу боғнинг эрталарида Ҳайрату-Қувонч, кундузларида Меҳру-Мурувват, тунларида Иффату-Малоҳат яшайди. Боққа борар йўл эса хатарли. Унда Ғазабу-Адоватнинг, Фискуфасоднинг, Нафратнинг макони бор. Сен бу йўлдан юриб эмас, учиб ўтгил, менинг азиз сингилгинам. Айт, фаришталар сени қанотларида кўтариб ўтсинлар...

Мен ўша боғда бўлганман. У дамни эслайман: нафис олча гуллари сочларимга қўнар, сўнг оёқларим остига тўкиларди. Вужудим хушбўй ислардан сармаст, руҳим самоларда учиб юрарди. Юрак шунчалик беғубор, шунчалик беташвиш эдики... тобора шу гўзал қилқатнинг бағрига сингиб борардим.

Бирдан... Шамол турди. Боғнинг шаффоф ҳаволарига чангу-тўзон ёпирилди. Балки лаҳза ўтди, балки йил ўтди, мен ўзимни бошқа бир дунёда кўрдим. Бунда эса ҳаёт деганлари узоқ тунлар орзу қилганим каби эмас, мутлақо бошқача эди. Бу ерда муҳаббатнинг йўлларида Ҳиёнат, Иффатнинг йўлларида Нафрат, Меҳрнинг йўлларида Фисқ-Фасод қилич яланғочлаб турарди! Мен умримнинг олтин дақиқаларини дунёнинг шу кураш майдонида бой беряпман. Гоҳ ғолибман, гоҳ мағлубман...

Энг покиза ҳаволардан нафас олиб, энг қутлуғ боғдан ўтиб келаётган менинг муниса сингилим, Сенга яшашни ўргатмоғим шарт бу кун, курашни ўргатмоғим шарт бу кун. Сен туннинг ёлғонларига учма, Ғазаб отларига минмагил. Фасод кўчаларида юрма... Сен меҳрга дўст бўл, иффатга сингил, садоқатга ёр бўлгил... Кўнглингнинг тиниқ осмонларида ҳар қушники учирма, зеро у осмонлар мусаффолигича қолсин. Кўзларингнинг ёғдусини ҳар кимга-да сочмагил, билгилки ҳамма ҳам ёғдунинг қадрига етавермас. Сўзларингнинг болини ҳар кимга тутаверма, болнинг таъмини ҳаммаям билавермас. Ишқингнинг чироғини ҳар кўнгилда ёқмагил, ҳар ким унинг тафтини англай билмас...

Сен тонгни кутиб яша, умид қушлари тонгда келадилар. Сен кундузларни кут, инсонлар қалбини у ўз тарозусида ўлчаб турар. Сен Туннида кут, тун кўнгилнинг соқчисидир. Билгилки ҳар қандай ёлғонлар ҳам бу соқчилар маконини ёриб ўтолмас...»

Мактуб ниҳоялайди. Мен серюлдуз самога тикилиб, ҳаёлга толаман. Ҳаёт деганлари не ўзи? Агар рост бўлса биз қайта-қайта дунёга келаётган кўҳна оламнинг тилсимлари қайда? Нега инсонлар орасида баъзан ўзингни танҳо сезасан? Кудуқ олдида туриб, сувга зор бўлган каби... Нега инсонлар орасида яшаб меҳру-мурувватга интиқ яшайсан?! Ёки қанчалик кўп яшаб, кўп билган сайин яшаш шунчалар қийинлашади, деганлари ростми?! Беихтиёр ортимга боқаман, унда абадий қолиб кетган олчазор боғни, унинг мусаффо ҳаволарини соғинаман. Болаликнинг беғубор хотиралари ила яшаш ҳам бир лаззат дейман ўзимча. Шунда... Олисларда, менга қадрдон гўшада яшаётган, кўнгли-кўнглимга туташ қизни эслайман, унга ҳаёлан мактублар битгим келади. «Ёзганларимни ўқиб, сенга не демоқ бўлганимни уқдингми, азиз сингилгинам» дея бошланади бу мактуб...

***Гулчеҳра ЖАМИЛОВА.***

*Саҳифани Зарифа ЭРАЛИЕВА уюштирган.*

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48 Эълонлар: 33-99-15, 36-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0430. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Адади 8577 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти – 20. 30. Босишга топширилди – 17.30. 1 2 3 4 5 6